БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ЁШ ЛЕНИНЧИ

Газета 1925 йил 8 февралдан чиқа бошлаган

1990 йил 28 апрель Шанба

№ 82 (13.518). Баҳоси 3 тийин.

• ЎЗБЕКИСТОН ЛКСМ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ОРГАНИ •

ҲАМЖИҲАТЛИК — ҚАЙТА ҚУРИШ ТАЯНЧИ

М. С. ГОРБАЧЕВНИНГ УРАЛ МЕҲНАТ КОЛЛЕКТИВЛАРИДАГИ УЧРАШУВЛАРИ

Свердловск, 26 апрель. (ТАСС махсус мухбирлари). Яхшироқ яшаш учун, мамлакатдаги ижтимоий-иқтисодий вазиятни тубдан ўзгартириш учун нима қилиш керак? СССР Президенти, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачевнинг Урал меҳнат коллективларида бўлиб ўтган учрашувлари чоғида ана шу савол бир неча бор ўртага қўйилди. Бугун Михаил Сергеевич Свердловскка келганига икки кун бўлди.

Кеча кечқурун «Уралмаш» завод бошқармасида унинг ишчилар, инженер-техник ходимлар, меҳнат коллективи кенгашининг вакиллари билан, бирлашманинг партия фаоллари билан кўп соатли учрашуви бўлиб ўтди. Ошкора, кескин фикрлашувда қатнашишни истовчи кишиларнинг барчаси залга сиғмаганлиги учун учрашув юзлаб уралмашчилар тўпланган завод майдонига бевосита олиб эшиттирилди.

Сизлар билан осойишта, амалий вазиятда гаплашиб олишни ғоят истайман, деди **М. С. Горбачев** учрашувни оча туриб. Бизларни нима ташвишлантирмоқда? Мамлакат учун кўп иш қилган, ишлаётган ва келгусида ҳам шундай қиладиган қудратли ўлка — Урал ҳозир ўз тараққиётида катта қийинчиликларни бошдан кечирмоқда. Бу ишлаб чиқариш, иқтисодий қийинчиликлар бўлибгина қолмай, айни пайтда ижтимоий қийинчиликлар ҳамдир. Бу эса ҳозирнинг ўзидаёқ муайян кайфиятларни юзага келтирмоқда. Вазият бизни ташвишлантираяпти.

Уралмашликлар билан ўтказилган мулоқот ва фикрлашувнинг бир неча соати бизга тўғри ахборот беришаётганини кўрсатиб турибди. Одамлар бизга маълум бўлган муайян хавотирликни тасдиқламоқдалар. Ҳар ҳолда, Уралнинг ижтимоий кучларини ривожлантиришда муайян бузилишлар рўй берганлиги тўғрисида гапириш мумкин. Бир томондан, бундан буён ҳам улкан вазифаларни ҳал этишга қодир кучли кадрлар, илмий ходимлар ташкил топди, иккинчи томондан — экология муаммолари, ижтимоий соҳадаги кескинлик вужудга келди.

М. С. Горбачев шу хусусда уралмашликларга ўз фикр-мулоҳазаларини баён этишни таклиф қилди.

Шундан кейин «Уралмаш» бирлашмасининг бош директори **И. И. Строганов** ва бошқалар сўзга чиқиб, корхонани қисқача таърифлаб бердилар, коллектив олдида турган вазифалар ва муаммолар тўғрисида гапирдилар.

* * *

Қайта қуриш — бу энг аввало инсон, унинг асосий эҳтиёжлари тўғрисида ғамхўрликдир. М. С. Горбачев пайшанба куни Свердловск билан танишишни давом эттираётганда мамлакатда биринчи ёшлар уй-жой комплексининг кварталлари унинг эътиборини ўзига жалб қилганлиги тасодифий эмас. Бундан 13 йил муқаддам Уралда вужудга келган фойдали ташаббус бутун мамлакатнинг, биринчи навбатда ёшларнинг мулкига айланди. Айни қайта қуриш унга янги омил бахш этди. Чунки уй-жой масаласи афсуски, ҳамма жойда ўткир масала бўлиб турибди.

Мамлакатда, жумладан, Уралда, озиқ-овқат муаммоси ҳам ана шундай ўткир. Бу муаммони совет кишилари манфаатларини кўзлаб қандай қилиб тезроқ ҳал қилиш мумкин? СССР Президенти шаҳар универсамларидан бирида харидорлар ва савдо ходимлари билан шу ҳақда гаплашди.

М. С. Горбачев қандай маҳсулотларни, молларни сотиб олиш мумкинлиги, қайсиларини топиш қийинлиги билан қизиқди. Одамлар, жумладан, мевалар етишмаётганлигидан нолишди. Бу соҳада шундай йўл тутиш мумкин, деди М. С. Горбачев: шаҳар етарли омборларга эга бўлиши, мева етказиб бериш ҳақида жанубдаги республикалар билан шартномалар тузиши керак. Бошқача усул йўқ.

Тинч маҳсулот ишлаб чиқаришга ўтказилаётган корхоналардан бири — Урал электромеханика заводида очилган халқ истеъмол моллари кўргазмаси ана шу унча жўн бўлмаган жараён қандай бораётгани ҳақида ҳикоя қилади. М. С. Горбачев уни кўздан кечирди.

* * *

Кечқурун ёшлар саройида М. С. Горбачев Свердловск области меҳнаткашлари, партия, уруш ва меҳнат ветеранлари вакиллари билан учрашди.

М. С. Горбачев учрашув қатнашчилари олдида нутқ сўзлади.

Нутқ матбуотда эълон қилинади.

ДОРИЛФУНУНЛАРНИНГ ҲАМДЎСТЛИГИ

В. И. Ленин номли Тошкент Давлат дорилфунуни билан Хитойнинг Шэньян дорилфунуни ўртасида дўстлик, таълим-тарбия, илмий, маданий ва иқтисодий соҳаларда алмашувлар тўғрисида битим имзоланди.

Ушбу битимда олимлар, тажриба орттирувчилар ва талабаларни бир-бирига юбориш, шунингдек, ўқув ва илмий материалларни айирбошлаш имконияти назарда тутилади. Дорилфунунлар биргаликда илмий тадқиқотлар олиб боришлари, биргаликда ўқув қўлланмалари яратишлари, ҳамкорликнинг бошқа шаклларини ривожлантиришлари мумкин бўлади.

Битимни имзолаш учун Тошкентга келган делегация аъзолари орасида Шэньян дорилфунунининг раҳбарлари, олимлар бор эди. Улар олий ўқув юртида бўлган вақтларида шарқшунослик, журналистика ва фалсафа-иқтисод факультетларида лекциялар ўқишди.

— Бизнинг Ўзбекистонда биринчи марта бўлишимиз, — деди Хитой делегациясининг раҳбари, дорилфунун ректори Шанг Хонг. — Самимий кутиб олганлари учун миннатдормиз. Олий ўқув юртларимиз ўртасидаги дўстлик Совет-Хитой ҳамкорлигини мустаҳкамлаш йўлида қўйилган яна бир қадам бўлишига умидвормиз.

— Яқин орада бизнинг делегациямиз Хитойга жавоб ташрифи билан боради, — дейди Тошкент Давлат дорилфунунининг проректори Латиф Турсунов. — У ерда алоқаларимизнинг амалий режаларини биргаликда тасдиқлаб олишимиз мўлжалланган.

Тошкент Давлат дорилфунунининг Хитой Халқ Жумҳуриятидаги олий ўқув юртлари билан алоқалари йилдан-йилга кенгаймоқда. Тошкент дорилфунуни Ухань ва Сичуань дорилфунунлари билан муваффақиятли ҳамкорлик қилмоқда. Шу кунларда Тошкент дорилфунунининг делегацияси Ўрумчида турибди.

(ЎзТАГ мухбири).

ПРОЛЕТАРИИ ВСЕХ СТРАН, СОЕДИНЯЙТЕСЬ!

КОМСОМОЛЬСКАЯ ПРАВДА

ОСНОВАНА В МАЕ 1925 г. ОРГАН ЦК ВЛКСМ ЦЕНА 3 КОП.

Махсус сон № 4 (15)

№ 4 (15) спец • выпуск

ДИАЛОГ

Саволлар беринг!

Қорабайир қишлоғилик САМАДОВ

«Ёш ленинчи»да «Улардан ибрат олинг» деган ажойиб ойнасўз бор. Биз Ўзбекистоннинг кўпгина ажойиб кишилари тўғрисида ана шу ойнасўз остида ҳикоя қилдик. «Комсомольская правда»да эса «Шунинг учун ҳам биз инсонмиз» деган ойнасўз остида бериладиган очеркларни муштарийлар ҳамиша зўр қизиқиш билан ўқиб борадилар. Жумҳуриятимиздаги ажойиб тақдир эгалари, саховатли кишилар тўғрисида ана шу ойнасўз остида кўпгина материаллар ёритилган.



Мана биз янги қаҳрамонни топдик. Самарқанд вилоятининг Пайариқ ноҳиясидаги Қорабайир қишлоғида Улуғ Ватан уруши қатнашчиси, кекса муаллим Баҳром ака Самадов яшамоқда ва ишламоқда. Оқсоқол маълум ёшга бориб қолган бўлса ҳам, аввалгидек тетик ва бардам, томорқасида ўз фарзандлари ва келинлари билан ёнма-ён меҳнат қилади. Бу ерда жамоа хўжалиги учун тут ниҳоллари, пиёз уруғи ва лола пиёзи етиштиради. Бир сўз билан айтганда, оқсоқол оиласи фидокорона меҳнат қилиш йўли билан йилига ўртача қарийб 30 минг сўм даромад олади.

Эҳтимол Самадовлар оиласи олтинга бурканган, тўрт ўғлининг ҳар бирида яп-янги «Жигули» енгил машинаси бордир, деб ўйлашингиз мумкин. Йўқ. Бу камсуқан кишилар эл қатори яшашмоқда. Бутун бошли катта оилада биргина эски «Москвич».

Қолган пулларини қаерга сарфлаяпти? Ҳамқишлоқлари фаровонлигига. Бир неча йил муқаддам у жамоа хўжалиги учун 34 минг сўмга қишлоқ амбулаторияси қурди. Эндиликда эса қишлоққа типовой усулда қурилган кутубхона тақдим этди. Бу Самадовга 53 минг сўмга тушди...

Халқимизда яхши одам ўзидан боғ ёки яхши ном қолдиради, деган гап бор. Самадов ана шундайлардан биридир.

М. АЛИМОВ,
«Комсомольская правда»нинг Ўзбекистон бўйича ўз мухбири.

Е. БОТИРОВ сурати.

Банк кафолат берадими?

СССР Жамғарма банкларининг бўлимларида 5 сўм пул билан счёт очса бўлади. СССР Давлат банки ёки Швейцария банкида счёт очиш учун қанча маблағ керак бўлади.

А. ИГНАТЬЕВ.
Находка.

Ҳеч қанча!

Учта жойдан худди шундай жавоб олдик. СССР Давлат банки бош бухгалтери С. Котельниковнинг айтишига кўра, «мувофиқлаштирадиган ва йўналтирадиган» муассаса аҳолидан пул жамғармаларини қабул қилиш билан шуғулланмайди.

Бундан ташқари СССР Вазирлар кенгаши ихтисослаштирилган давлат банкларини хўжалик ҳисобига ва ўз-ўзини маблағ билан таъминлашга ўтиши ҳақида қарор қабул қилган. СССР саноат қурилиш банкига, уй-жой жамғарма банкига ва бошқаларга корхоналардан, ташкилотлардан ҳамда аҳолидан жамғармалар қабул қилиш мумкинлигига қарор билан руҳсат берган.

Хўш, саноат қурилиш банкига қанча маблағ билан бориш керак? Яна ҳеч қанча?

СССР Уй-жой жамғарма банкининг иккита ноҳиядаги бўлими ва саноат қурилиш банкининг битта бўлимида мухбирни аҳолидан ҳеч қандай жамғармаларни қабул қилмасликка, бу ҳақда биринчи бор эшитиб турганликларига ишонтирмоқчи бўлишган.

Эҳтимол, СССР Вазирлар Кенгашининг қарори юқоридан пастга етиб келгунча ҳали яна узоқ йўл босса керак...

Сўнгги умид — Швейцария банки қолди. У ерда, деб хабар беришди Швейцария элчихонасидан, ҳисоб очиш учун дастлабки жамғарма унча кўп бўлмаса ҳам бўлади. Мижоз имкониятига қараб маблағини қўяверади.

Лекин бу ахборот совет кишиларини ҳаяжонлантирмаса ҳам бўлади, чунки, СССР ташқи иқтисодий банкидан бизга тушунтириб беришларига кўра, Совет Иттифоқида яшаб туриб чет эл банкида ҳисоб очиш қийин. Аммо валюта масалалари бўйича қарор лойиҳалари тайёрланмоқда...

Қанча нусхада?

Ўқувчиларнинг В. И. Ленин асарларига бўлган талаби ҳозирги кунда қандай аниқланади ва бу китоблар қанча нусхада чоп этилмоқда!

Б. СЕМЕНОВ.
Калуга.

Бутуниттифоқ Китоб палатаси статистика бўлими мутахассисларининг шу йилнинг 1 январигача бўлган маълумот ҳақида бизга хабар беришларича, 1918 йилдан 1989 йил охиригача В. И. Ленин асарларининг 17052 нашри СССР ва жаҳон халқларининг 125 тилида чоп этилган бўлиб, унинг умумий тиражи 653 миллион 145 минг нусхадир.

Кейинги ўн йил ичида В. И. Ленин асарларининг нусхаси сезиларли даражада камайган. Агар 1970 йилда 19618000 нусхада 454 номдаги нашр чоп этилган бўлса, 1989 йилга келиб бу рақам 122 номда 5100000 тага тушиб қолган.

Жойлардаги китоб савдоси ташкилотлари буюртмаси билан китобларнинг ҳар йилги тиражини аниқлайдиган «Союзкнига» бирлашмаси буни бошқа китобларнинг кўплиги ва улардан ўқувчилар қониқиш ҳосил қилаётганликларига боғламоқдалар.

Хавфли рудалар чуқурлигида

Уран рудаси конларида ишловчи ишчилар қанча миқдорда пул оладилар!

И. ХАЙНУТДИНОВ.
Свердловск.

Очиғини тан олиб айтганда, «Диалог» мухбири бу саволга тўла жавоб олишга кўзи етмади. Ҳақиқатан ҳам жавоб олиш «Минатомэнергопром» (собиқ Ўрта машинасозлик вазирлиги)нинг телефонлари кўрсаткичларда ҳозирча йўқлиги туфайли, анча қийин бўлди. Шундай бўлсада, «Минатомэнергопром»нинг Бош илмий-технологик бошқармаси бошлиғи В. Кротов суҳбатлашишдан бош тортмади.

— Уран конларида (расмий олганда кон-кимё комбинатлари), деди у «Диалог»га, — қамоқдагилар ҳеч қачон ишлашган эмас. Ҳарбийлардан эса фақат қурилишларда фойдаланилган. Шахталарда оддий шахтёрлар меҳнат қилишади. Радон билан нурланишга қарши махсус чоралар қўлланилади (кон сув билан ювилади, вентиляция ишлаб туради, шахсий респираторлар берилади). Ҳар бир ишчининг шахсий доза ўлчагичи бор. Нурланиш нормаси бир йилда 5 бэрдан ошмаслиги керак. Нурланиш бу нормадан ошса, ўша заҳоти шахтёр ойлик маоши сақланган ҳолда (400-500 сўм) бошқа ишга ўтказилади.

Дарвоқе, руда конлари жойлашган посёлкалар ҳеч қачон ёпиқ бўлган эмас. 60-йилларда биз конларни америкаликларга кўрсатганмиз. Яқинда япониялик мутахассислар Шевченкога (Қозоғистон ССР) келиб-кетишди. Юлиан Семёнов эса Тожикистон ССРдаги руда конида фильмни суратга олган.

Долзарб мавзу

Виктор КОРЧАГИН: ШИРКАТНИ НЕГА ЁПДИМ?

«Юлғич» ҳамда «ширкатчи» сўзлари кўпчиликнинг онгида синоним саналади. Нима ҳам дердик, шунақаси ҳам бўлади... Бурноғи йили ширкат соҳасида бир ярим мингта қонунбузарлик ҳоллари очиб ташланди. Ўтган йилнинг тўққиз ойида олти мингта шундай ҳолат қайд қилинди. Жиноятчилик ўсиши суръатлари юқорилигича қолмоқда. СССР Ички ишлар вазири В. Бакатин халқ депутатларининг иккинчи съездида шундай ахборот берди ва кўпгина сабабларни санаб ўтди.

Ширкатчилар ҳам кўп ҳолларда вазирнинг фикрларига қўшилсалар-да, бироқ ўз мулоҳазаларига эгадирлар. Масалан, мана битта нуқтаи назар. **Виктор Иванович КОРЧАГИН — «Россия» ширкатчилар Бутуниттифоқ уюшмаси президенти.** Заводда ишлаган, 1976 йилгача КПСС аъзоси бўлган, Адам Смит, Маркс, Энгельс, Ленин ишларини ўрганиб чиққан. Назариянинг амалиётга тўғри келмаслигини кўрди, ўйлашга, ёзиш ва чиқишларга киришди. Брежнев раҳбарияти сиёсати билан келиша олмай қолди. Бундан ташқари кўз кўриб, қулоқ эшитмаган беъмани ишчи фирқасини тузишга рухсат сўради. Баҳслар фирқадан чиқиш ва сургун билан тугади. Кейинчалик ўз қўли билан ёпиш мақсадида уч йил муқаддам «Феникс» ширкатини очди.

— Порахўрларни боқавериш жонга тегиб кетди. Амалдорлар тобора ҳаддан ошиб бораётир: фақат қўлга қарайдилар. Кўпчилиги пулгаям кўнмайдиган бўлиб қолган. Мана, яқинда қўнғироқ қилишди. Янги «Жигули» учун хом ашё таклиф этишапти. Ёки поранинг яна бир тури — раҳбарлар қариндошларини «ишга жойлаштириш...» ҳаммаси учун белгиланган нарх бор. Айтайлик, Москвада бир квадрат метр ишлаб чиқариш майдони учун ижара тўловидан ташқари 200 сўмдан тортиб 500 сўмгача пора бериш керак.

— Виктор Иванович, бундан кўринадики, ширкатчи амалдор учун қўл келар экан-да! Бу ёқда эса, улар ширкатчиларни бўғиб қўйяпти, дейишяпти...

— Бизда ўзи ўтирган шохни кесишни ёқтиришади. Сиз бизнинг қанча солиқ тўлашимизни биласизми? Ўн тўққиз турдаги хилма-хил тўлов шартлари бор. Шулардан бири пора бўлса, у ҳам бошқа харажатлар сингари маҳсулот таннархига киради.

— Шундай бир пайтда тағин халқ ширкат нархларининг арзонлашувини кутаяпти...

— Солиқ ошаётган бўлса, хом-ашё кун сайин эмас, соат сайин қимматлашаётган бўлса, арзон моллар қаердан ҳам чиқсин? Нархи завод учун ҳам, ширкат учун ҳам қулай бўлган полиамид чиқиндилар бўйича шартномамиз бор эди. Кимгадир биз тез суръатларда бойиб бораётгандек туюлибди. Шунда давлат нарх қўмитаси нархни беш баробарга оширишимизни талаб қилди. Савдо ходимлари эмасмизми, ортиқча чиқим учун ишламаймиз-ку. Шартномани буздик ва чиқиндилар яна ахлатхоналарга кетаверди...

— Сиз-чи, ҳокимлар ўрнида бўлганингизда нима қилардингиз!

— Кишиларнинг ҳар қандай ҳаракати замирида уларнинг манфаатини кўриш лозимлигини Ленин такрор ва такрор уқтирган эди. Ахир ҳамма нарсани фойда билан қилиш мумкин-ку. Хўш, нега энди ўша ишлаб чиқариш саҳнини ким ошди савдоси йўли билан сотиш мумкин эмас? Қимматроққа сотдингми, ўз улушингни ол, давлатга ҳам, бюджетга ҳам нимадир қолади. Ўша амалдорларниям тушуниш мумкин: улар сиз ўйлаганчалик инсонпарвар эмаслар-ку, қандайдир Корчагинлар билан олишиб юрса.

— Агар белгиланаётганидек, назорат кескинлаштирилиб, кўраш кучайтирилса-чи!

— Мен бундай чораларга ишонмайман. Бу ё атайин қилинади ёки кимгадир қўл келадиган ўйин. Деярли ҳар қандай назоратчини сотиб олиш мумкин.

Ширкатчилар масаласида эса, менимча шошилиб қолдик. Уларни ҳавосиз муаллақ бўшликда, тенг рақобатчиликсиз ташкил этдик. Ахир ширкат билан ёнма-ён ижарачи ёки акционер корхонаси бўлганида бугунга келиб порахўрлик ҳақида гапирармидик? Ҳар бир чақа ҳисобда бўлур эди, ўша полиамид чиқиндиларнинг баҳоси ҳам бизга, ҳам уни етказиб берувчига қулай бўлган бўлур эди. Давлат ичидаги тартибсизликлар учта сабаб орқали келиб чиқади. Яъни ёт қонунлар такомиллашмаганлиги туфайли ёки улар бажарилмаётганлиги, ё бўлмаса, қонунлар умуман йўқлиги сабабли. Бу нарса бундан минг йиллар муқаддам башорат қилинган. Биздаги қонунлар даврга ва жамиятдаги муносабатларга тўғри келмайди. Агар дастлаб мулкчилик тўғрисидаги қонунни қабул қилиб, сўнгра ширкат тўғрисидаги, ундан кейингина жиноят ва солиқлар ҳақидаги қонунлар қабул қилинганда мантиққа тўғри келган бўлур эди.

Классик сиёсий иқтисод асосчиси Адам Смит (менинг «гуноҳга ботишим» унинг ғояларини ўрганишдан бошланган) бир нарсани тез-тез такрорлаган: мамлакат фаровонлигини, тўкин-сочинлигини кўтариш учун паст миқдордаги солиқлар ҳамда давлатнинг енгилгина аралашуви керак. Киши ўзига ўзи соҳиблик қилолмай турган бўлса-ю, эгалик ҳисси ҳақида яна қанча гапириш мумкин? Соҳиблик қилиш ҳуқуқи ҳақида гапириш керак. У ўзи ишлаётган жойда ўғрилик қилмайди ва ўзи учун ҳам ёмон ишламайди. Бу сийқаси чиққан ҳақиқат, чунончи, энг оддий фикрлар ҳам кўпчиликка етиб бормайди. Ҳатто, давлат корхоналари учун солиқларни камайтириш ўрнига ширкатлар учун уларни оширган депутатларга ҳам етиб бормади. Улар иқтисодий эркинлик бериш ўрнига эркин бозор элементларига тўсиқ қўйишни таклиф этдилар. Касаллик ичкари томон сурилмоқда. Махфий иқтисодиёт тобора эркинлашиб бормоқда.

— Сиз ширкатчиларни жуда қаттиқ туриб ҳимоя қилаяпсиз. Албатта, ўрнига қараб порани ҳам оқлаш мумкин. Бироқ, милицияга, ҳатто, юлғичлик қилувчилар устидан ҳеч ким арз қилмаяптику!

— Тўғри, бироқ шикоятим мен устидан арз қилаётган рэкетчилар қўлига тушмайди, деб ким менга кафолот бера олади? Порахўрлик давлат устунига шикаст етказаяптими, демак, у билан Давлат хавфсизлиги қўмитаси шуғулланиши керак, деб ҳисоблайман. Ахир куппа-кундузи рўй бераётган ўғирлик порага сотилган ОБХСС туфайли эмасмикин? Исталган мебель дўконига кириб кўринг. У ерда сизни ечинтириб ташлашади ва шундаям сиз уларга раҳмат ҳам айтасиз. Бу тўғрида, ҳеч ким билмайди, дейсизми? Назорат қилиш қийинми? Биров бировга теккиси келмайди. Боқувчиларини ёпишни истамайди. Бирорта ширкатчи қаҳвахона қарздор бўлиб кўрсинчи, ўша заҳоти уни ёпиб, ер юзидан йўқ қилиб ташлашади. Ҳаммаси жамоатчилик ва матбуотнинг жар солишлари остида юз беради. Нега шундай? Чунки бизнинг қонун ва актларимиз такомиллашмаган, айниқса, қонун замиридаги битимлар. Ширкатчилик эндигина ўнглай бошлаган эди. Бироқ уни ҳамма томондан шилишга тушишди. Бемаънилик.

— Аммо ҳаммаям аҳмоқ эмаску! Бунинг янада чуқурроқ сабаблари бор, кўринади.

— Бир йил ичида ўзингни қулликдан чиқаролмайсан. Менинг ўзим иқтисодий тафаккур сари қийин йўлни босиб ўтдим.

— Кечирасиз, бойиб кетдингизми!

— Маънавий жиҳатдан — ҳа. 12-14 соатлик иш куни билан ойига 700 сўм топардим. Кўп эмас, десам гапимга қўшиларсиз. Бунинг устига каттагина рўзғорим бор. Бизнинг уюшма ширкатчилар иттифоқидан фарқли ўлароқ кучли «вазирлик» тузилишига эга эмас. Бошқарув аппарати — мен ва техник котибадан иборат. Бизнинг вазифаларимиз ҳам бошқача: ширкатчиларни ҳимоя қиламиз ва ўқитамиз. Бугун бизда иқтисодий тафаккур ўрнига, догматизм, схоластика ва тўсқинчилик ҳукм сурмоқда. Ҳамма қандай қилиб ҳар бир ширкатчига биттадан милиция ходимини бириктириб қўйиш йўлини ўйлайди. Аммо такрор айтаман: бозордан кўра яхшироқ назоратчининг ўзи йўқ. Қайта қуриш дарвозаларни ланг очиб қўйди. Олдинда ойдин йўллар бор, деб ўйлаган эдик. Йўл эмас, лабиринт бўлиб чиқди. Энг шошқалоқ кишилар жуда жиддий асбоблар ёрдамида лабиринт деворларини бузишга киришдилар. Бироқ, лабиринт боши берк кўча эмас. Ундан чиқиш мумкин. Бунинг учун кўз олдингизда режали харита керак. Шунингдек, объектив қонунларни тан олмасдан туриб, ҳуқуқий қонунларни тузолмаймиз. Жазо чоралари қутқара олмайди.

В. АНДРЮЩЧУК.

Ўз мухбиримиз устуни

ҒУРУР

Мирзаахмад АЛИМОВ, «Комсомольская правда»нинг Ўзбекистон ССР бўйича ўз мухбири.

Фикримча одамнинг доимо ўзини ҳокисор билиб, ерга уриши, тавба қилиши ўта даҳшатли. Чунки у бунақада ўзининггина эмас, бошқаларни ҳам ҳурмат қилмай қўяди.

Шу кунларда «Комсомолка» учун тайёрлаётган мақоламни «Ҳокисорлик ҳолати» деб атамоқчиман. У нима ҳақда бўлади? Менинг ва сизнинг ҳар куни камситиладиган инсонийлигимиз ҳақида. Дўконларнинг бўм-бўш пештахталари, шакар ва совунга бериладиган талон, энг оддий ҳуқуқий нормаларга риоя этмаслик хусусида...

Ҳар куни муштарийлардан ўнлаб хатлар оламан. Жумладан дербентлик Изолина Ибадуллаевна Гарунова шундай ёзади: «Ҳурматли Ўртоқ Алимов! «Комсомолка»даги мақолаларингизни катта қизиқиш билан ўқийман. Айниқса афғон уруши ногирони Одилбекка турмушга чиққан хивалик Ўғилжон Искандарова, давлат хўжалиги болалар боғчаси учун ўз уйини совға қилган сўхлик прапорщик ҳақидаги материалларингиз манзур бўлди.

Сизнинг мақолаларингиз қисқа, лўнда, аммо инсон қалбини ларзага солади. Бу эса менга ўхшаган ёлғиз (ўғлим мени 54 ёшимда ташлаб кетди)лар учун далда, юрагига ором бағишлайди».

Ҳозир қаламкашларни ҳадеб ёмон нарсалар тўғрисида ёзишади, деб койишади. Ҳақиқатан ҳам бундай дейишга асос бор. Лекин шахсан ўзим ҳаётда бошқаларга ўрнак бўладиган кишиларни, марказий матбуотнинг айби билан обрўси тўкилган ўзбек халқининг қадр-қимматини кўтарадиган кишиларни излаб топишга ҳаракат қиламан.

Ҳамюртларим билан фахрланаман. Улар ҳақиқатан ҳам меҳрибон, меҳнаткаш ва жафокаш кишилардир. Узоқ йиллар давомида уларни талашган, доимо қуллуқ қилиб туришга мажбур қилишган уларнинг айби эмас.

«Комсомолка» ва «Ёш ленинчи» саҳифаларида иқтидорли боғбон, ўзбек лимонининг отаси Зайниддин ака Фахриддинов тўғрисида бир неча бор ёздим. Унинг лимонзорлари ҳозир 1500 тонна ҳосил бермоқда. Аммо боғбоннинг лимонзорларини яна 50 гектарга кенгайтириш тўғрисидаги илтимосини ҳеч ким эшитгиси келмайди. Менинг «Лимонадний Қашқабай» номли мақоламни ўқиган Улуғ Ватан уруши ногирони, ашхободлик Дурди ака Саломатов куйиниб ёзибди: «Ҳурматли мухбир! Менинг юрагим хаста ва унга фақат лимон ёрдам бериши мумкин. Бироқ бизнинг шаҳарда лимон йўқ. Илтимос, уч-тўртта юборсангиз, пулини албатта жўнатаман...»

Ветеранга албатта лимон жўнатаман. Лекин нима учун у ўзини ерга уриб дўконма-дўкон лимон ахтариши керак? Нима учун лимон пештахтада турмайди (Ўзбекистоннинг ... зарда тутаётганим йўқ)? Ахир Фахриддиновга лимонзорларни 100 гектарга кенгайтириш имкони берилса мамлакат йилига 50 минг тонна лимон олиши мумкин-ку!

Уруғчи олим Мальцев янги навдаги буғдой яратгани учун икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони бўлган. Фахриддинов эса 5 хил навдаги ўзбек лимонини яратса ҳам бу унвонга сазовор бўлмади... Агарда уни мамлакат миқёсида қадрлашмаган экан, келинг, ҳеч бўлмаса жумҳуриятимизда қадрига етайлик. Нима учун бизда Ўзбекистон Қаҳрамони унвони таъсис этиш ва уни «Ўзбекистон фахри» деб аташ мумкин эмас?

Аксарият муштарийлар ўз хатларида мендан хафа бўлиб ёзишади. Запорожье индустриал институти толиби Дониёр Эгамбердиев: «Алимов бизда, Ўзбекистонда ҳаммаси яхши деб ёзишни ёқтиради» дейди.

Дониёр билан баҳслашмоқчи эмасман, балки у «Комсомолка»ни мунтазам ўқимаслиги ҳам мумкин. Лекин танқиди тўғри. Жумҳурият, айниқса ёшлар муаммоларини марказий матбуотда кўпроқ ва кенгроқ ёритиш керак. Нима учун жумҳуриятимиздаги аҳолининг қарийб тўққиз миллиони қашшоқликда кун кечираётгани, нима учун қишлоқларда хотин-қизларнинг ўзларига ўт қўяётганлари сабабини очиб ташлаш лозим. Йигитларимиз нима учун улар Совет Армияси сафидан тинч ... ўлиб қайтишмоқда? Нима учун юзлаб йигит-қизлар иш тополмай сарсон? Нима учун Оролни ҳамон фақат оғизда қутқармоқдамиз? Нима учун пахтакор, умуман қишлоқ меҳнаткашлари кам ҳақ олишади?

Саволлар кўп. Уларга жавоб излаган сари камситилганлик ҳолати ўсиб бораверади.

Демак биз иложи борича тезроқ бизга ғурур ва тўкин-сочинлик билан кун кечиришимизга тўсиқ бўлаётган хоталикларидан халос бўлишимиз зарур. Бироқ қандай қилиб? Маслаҳат беринг. Хатларингизни кутамиз.



— Тагсўз ёзиб берсангиз.

Навбатчи котиб шундай дея қўлимга суратни тутқазди. Унга термуламан. Бобо ва чевара! Чеҳрасидан нур балқиб турган отахон қутлуғ ёш — 105 ни қаршилаган бўлсалар. Менда не куч борки, бувани таърифлай олсам.

— Чолнинг бир асрни қувиб, иккинчисига етганлари устида тўхталсангиз яхши бўлади!

Ҳамкасбимнинг шу фикри боис яна бир тилак. Абдўжалил ота Ҳамидов учинчи асрни ҳам кўрсинлар. Зуҳрохонга эса айтадиган гапимиз бор. Бобонгни маҳкам қуч. У кишининг нуроний соқолларини тавоб қил, синглим.

А. ЮСУФБОЕВ суратга олган.
Наманган вилояти Уйчи ноҳиясидаги Ғайрат қишлоқ Шўроси.

ТИНЧЛИК УЧУН КУРАШЧИ... Сизнинг шунақа танишингиз борми? Қўшнингизчи, ўртоғингиз? Агар бўлса, у ҳақда бирор нарса ҳикоя қилиб бера олармидингиз? Олиб бораётган кураши учун маош олиб ишлаётган, расман лавозимга тайинлаб қўйилган шахслар фаолияти ҳақида ўқиганмиз, эшитганмиз. Албатта, муаллиф улар фақат шахсий манфаатлари йўлида ишлашади, деган фикрдан йироқ. Бироқ шундай курашчилар ҳам борки, биз улар тўғрисида ҳеч нарса билмаймиз. Биринчи тоифадагилар — тузумимизнинг бир қисми бўлиб, кўпчиликни ташкил этишади. Иккинчилар — озчилик, улар аксарият ҳолда тузумдан ажралиб қолганлар. Шунчалик ажралиб қолганларки, ҳаёт билан ё қамоқда, ё хорижларда видолашишга тўғри келган. Илья Габай, Анатолий Марченко, Петр Григоренко — шу кунгача бу номларни биз ҳеч эшитганмидик? Тайинлаб қўйилган тинчлик жонкуярлари расмий ҳаракатномаларга таяниб, асосан ташқи душманларга қарши курашишган. Тайинланмаганлар, яъни виждон амри билан курашчи бўлганлар, ҳар қандай босқинчилик, жумладан, ўз элидаги босқинчиликка ҳам қарши курашишган.

Мен ҳикоя қилмоқчи бўлган киши иккала тоифага ҳам бирдай дахлдор.

Стокгольмда, тинчликпарвар кучлар конгрессида қўққисдан бир шўро фуқароси ғойиб бўлиб қолади. Бу хизмат бурчини ўтаб турган бошқа фуқароларимиз назаридан четда қолмади, албатта. Қандайдир ножўя иш юз берганини дарҳол фаҳмлаб, мажлислар залини яна бир бор кўздан кечиргач, улар мусофирхонага қўнғироқ қилишади. У ердан «Жаноб Тоиров нарсаларни олиб, пулини тўлаб, жўнаб кетди» — деган мазмунда маълумот келади. Дарҳол Москвага хабар қилинади.

Жаноб Тоиров эса бу пайт аллақачон Финляндияда эди.

Унинг кутилмаганда тоби қочиб қолган, агарда тезда уйига етиб бормаса, соғлиғи янада ёмонлашишини сезганди. Энди эса у юқори ҳарорат билан ўз уйида, ўз тўшагида ётарди.

У олти йилдан бери Хельсинкида яшаб, Жаҳон Тинчлик Кенгашида ишларди. Агар чет элларга кўчиб кетиш нияти бўлганда аллақачон шундай қилган бўларди. Негаки олти йилдан беш йилини ҳавода, поездда, пиёда, дунёнинг турли бурчакларида сафарда ўтказди. Вақти-вақти билан Москвага чақириб туришларини ҳисобга олмаганда, албатта. Пойтахтга эса уни деярли бир сабабдан чақиришарди: ваколатларингизни ошириб юборяпсиз. Белгилаб берилган доирадан чиқиб кетяпсиз. Агар шу тахлит давом этаверса, 24 соат ичида чақириб оламиз. Уни ўз мустақиллиги чегарасини билмаганликда айблашар ва ҳар сафар у ўзини ушлаб турган кўринмас ипларни узмоқчи бўлгандай, таранглаштирарди.

Баъзида бу боғ сал бўш қўйиларди. Шунда Тоиров билардики, таваккал қилган қайсидир иши «юқорига» маъқул келган. Бироқ Тоировнинг ишончи, эътиқоди, «24 соатда чақириб оламиз» деган пўписаларни эшитганда ҳам, мақташганида ҳам ўзгармаган — у бу ерда керакли одам. Йўқ, Шўролар давлати вакили сифатида эмас, оддий бир инсон, Англия, Франция, Италия, Дания, Швеция, АҚШ, Япониядаги кўплаб тараққийпарвар кишилар у орқали СССР аталмиш улкан ва сирли давлат билан боғланишлари мумкин бўлган киши сифатида керак.

Тоировнинг ҳарорати кўтарилиб борарди, боши ёрилиб кетгудек лўқилларди. Атроф худди туш билан ўнг қўшилиб кетгандай чирпирак айланарди. Кутилмаганда шаҳарлараро телефон жиринглаб қолди. Хотинининг товуши уни сал ўзига келтирди: «Сизни телефонга, Москва...» Гўшакдан қатъий товуш келди: «72 соат ичида қайтиб келишингиз шарт!». У тушунмасди, тушими ё ўнгими?

Бундай оғир аҳволга Тоиров йигирма йил аввал, у минган тайёра Бухоро ҳудудида қулагандан сўнг тушганди. Тасодифан тирик қолганди ўшанда. Касалхонада ўтказилаётган тиббий текширувлар ҳеч натижа бермасди. Йигирма килога озиб кетганди. Шу оғир шароитда бир 57 ёшли ёзувчининг сўзлари хотирасида муҳрланиб қолди: «Мен ҳаётда барча нарсага эришдим, энди эса ҳеч бирининг кераги йўқ...» Унга наҳот мен ёшгина ўлиб кетавераман, деган фикр тинчлик бермасди. Ниҳоят хасталиги аниқланди: ўпка инфаркти ва тромбоз эмболияси.

Деразадан эрталаб тушадиган кузёш нурлари, дарахтларнинг сокин шитирлашига термулиб ётиб, Тоиров ҳаёт ҳақида хаёл суриб кетарди. Шу воқеа унинг ҳаётга бўлган муносабатини тубдан ўзгартириб юборди. Кейинчалик ҳам қийин вазиятга тушиб қолса, ўз-ўзига далда берадиган бўлди: «Фақат юра олиш катта бахт бўлган кунларни эслаганчи...»

Тоирнинг болалиги қишлоқда ўтди. Ёшлигидан сиёсатчи бўлишни орзу қиларди. Кундузи мактабга борар, тунлари эса Достоевский, Бальзакни ўқирди. Эрта тонгда ва умуман бўш вақтларида мол боқар, томорқани суғорар, барча тенгдошлари қатори пахтага чиқарди. Ёшлигиданоқ унинг мурғак қалбини ларзага келтирувчи воқеалар кўп бўлган. Нега отаси хотиржам, жисмонан кучли, мард ва ҳақгўй, ҳеч кимнинг олдида паст кетмаган киши, биринчи Туркистон ҳукумати аъзоси 37-йили севимли ишидан воз кечиб, яшириниб яшашга мажбур бўлди? Нега амакиси, инқилоб музейи директорини отиб ташлашди. Нега унинг болалари ақлдан озди? Нега порахўр, каллобларнинг ошиғи олчи? Улар доим юқори лавозимларда ишлашади-ю, ҳақгўй, адолатпарвар отаси ночор? Бу саволларнинг чеки йўқ эди. Онаси ҳеч қаерда ўқимаган бўлса-да, ақлли аёл эди. Унинг фикрича жамият қаердадир хатога йўл қўйиб, нотўғри йўлдан кетган. Отаси ҳам шундай дерди.

У мактабни олтин медаль билан тугатди. Тошкент дорилфунунига ўқишга кирди. 1957 йили Москвага

ЎЗ-ЎЗИГА

ёшлар ва талабаларнинг жаҳон фестивалига борганда халқаро алоқалар институтини излаб топди. Тасаввур қилиб кўринга, ёпиқ рўйхатлар асосида ёки оддийроқ қилиб айтганда, таниш-билиш орқали энг юқори лавозимли кишиларнинг фарзандлари ўқийдиган институтга бир қишлоқи йигит келиб, ўқишга олишни сўраса. Тўғри, унинг имтиҳон дафтарчасида фақат аъло баҳолар бўлса-да, бу билан ким ҳам ҳисоблашиб ўтирарди, дейсиз. «Йўқол, аҳмоқ!» Тоир Тоиров кейинчалик ҳам ҳаётида бундай гапни кўп эшитди. Ўқишга кириш учун эса «бақувват» ҳужжатлар даркор эди. Унга биринчи тавсияномани олим Челишев ёзиб берди. Увадаси чиқиб кетган бу қоғозча ишни сал олдинга силжитди. Кейин Тошкентга, шаҳар комсомол қўмитасига қўнғироқ қилди. У ердан институт ректори номига хат йўллашди.

Шундай қилиб, Тоир Тоиров имтиҳонларни муваффақиятли топшириб ўқишга кирди.

27 ёшида кандидатлик, 34 ёшида докторлик диссертациясини ёқлади.

— Зерикканимдан ёзганман, — дейди Т. Тоиров. Ҳеч бир арзигулик иш қилишга рухсат бермасликларини билардим.

Арзигулик мақсадларни у кейинчалик Хельсинкида олти йил мобайнида амалга оширишга муваффақ бўлади.

— Шарқий Оврупо майдонларида ўтган йили бўлган намойишлардан хабарингиз борми? 4 февраль куни Манеж майдонидаги намойишданчи?

Чернобиль аварияси туфайли бошига дард-қайғу тушганларга комсомолнинг ёрдами тўғрисида ВЛКСМ Марказий Қўмитасининг биринчи котиби В. ЗЮКИН билан мусоҳаба.

— Владимир, комсомол бошига дард-қайғу тушган ўз тенгқурларини қўллаб-қувватлаш учун қандай ёрдам кўрсатди?

— Ёш оилалар ва болаларга ёрдам кўрсатиш учун биз томонимиздан 1989-1990 йилларда 3,5 миллион сўм ажратилди. Ёшлар уй-жой комплекси системаси ташкилотлари Чернобиль жамғармасига қарийб 300 минг сўм ўтказди. Ҳозир тиббий асбоб-ускуналар сотиб олишга қўшимча маблағ ажратишни режалаштираяпмиз.

Эндиликда ана шу маблағлардан ғоят оқилона қандай фойдаланишни ҳал этиш керак. Шу мақсадда ВЛКСМ Марказий Қўмитаси ҳузуридаги ёшлар тижорат банки Киевда ўз филиалини очаяпти. У авария оқибатларини бартараф этишда қатнашаётган ёшлар тузилмаларини маблағ билан таъминлайди ва шу муносабат билан юзага келадиган ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этади.

— Авария оқибатларини бартараф этиш юзасидан ҳукумат ҳаракатномаси кўпгина масалаларни қамраб олди. Комсомол ўзи учун асосий йўналиш сифатида қандай вазифаларни белгилаб олди?

— Фикримизча, ҳозирги кунда энг асосийси қаттиқ назорат зонасидан барча аҳолини кўчириш ва зарарланган ноҳиялардаги болалар ва ёш оилаларнинг соғломлаштирилишини ташкил этиш ҳисобланади.

Бу ўринда нимани амалга оширишимиз мумкин?

ҲАМДАРДМИЗ

Украина комсомоли жумҳуриятнинг экологик тоза бўлган музофотларидан 1 минг 500 маконни тайёрлади, кўчирилганларни қабул қилиб олишга тайёрдирлар. 500 дан зиёд оила зоналардан ҳозирдаёқ кўчирилди.

ВЛКСМ Марказий Қўмитасининг «Артек», «Орленок», «Океан» кашшофлар лагерларида барча ўринларнинг 70 фоизидан зиёди зарарланган ноҳиялардан 25 минг болани соғломлаштириш учун ажратилади. «Спутник» халқаро ёшлар саёҳат бюроси авария ноҳияларидаги ёшларга саёҳат хизмати ва дам олиши учун қарийб беш минг ўрин ажратди. Асосан курорт шифоланишларига қўшимча равишда хорижий сафарлар (Венгрияга 10 гуруҳ ва Руминияга 20 гуруҳ) ташкил этилади.

ВЛКСМ Марказий Қўмитаси «Ленин комсомоли» тарғибот поезди базасида ўзига хос «меҳр-шафқат поезди»ни ташкил этишни режалаштираяпти. Шу йилнинг февралида Брянск вилоятининг жануби-ғарбий ноҳиялари бўйлаб шунга ўхшаш махсус рейс ташкил этилган эди.

Яқин вақтда Белоруссиянинг Могилев ва Гомель вилоятлари бўйлаб шундай рейслар ташкил этиш режалаштирилаяпти. У ерга биринчи Москва табобат институти шифокорлари, ҳуқуқшунослар, руҳиятчилар ҳамда радиологлар, ҳаваскорлик ва профессионал бадиий жамоалар борадилар.

Комсомол ташкилотлари ҳам хорижий муассасаларга ҳамоҳанг бўлган хайрия тадбирларини ўтказмоқдалар. Ҳозирдаёқ 18 мамлакатдан бир маротаба қўлланиладиган шприцлар, қон қуйиш системалари келаяпти.

— Яқиндагина ўз ишини тугатган ВЛКСМ XXI съезди делегатлари Чернобиль АЭСидаги авария оқибатларини бартараф этиш юзасидан резолюция ишлаб чиқишга ва қабул қилишга ғоят жиддий ёндашдилар. Фикрингизча, унинг тақдири келгусида қандай бўлади?

— Биз авария натижасида зарарланган ноҳияларга ёрдам кўрсатишнинг узоқ муддатга мўлжалланган ҳаракатномасини қабул қиламиз. Уни амалга оширишга зарур бўлган молиявий маблағлар ажратамиз.

Уни СССР Олий Шўросидан тортиб то ноҳия Шўроларигача бўлган барча даражадаги халқ депутатлари билан узвий ҳамжиҳатликда рўёбга чиқаришни режалаштираяпмиз. Бу вазифани бажаришга СССР Олий Шўросининг аъзоси С. Калашников ташаббуси бўйича тузиладиган депутат гуруҳи ёрдам беради.

Чернобиль муаммоларини ҳал этишга комсомол қўмиталари бошига дард-қайғу тушган тенгқурларининг тақдирига бефарқ бўлмаган ёшларнинг кўмаги билан асосий ҳисса қўшишига умид боғламоқдамиз.

* * *

• 26 апрелда ВЛКСМ Марказий Қўмитаси номидан Москва шаҳридаги Митинск қабристонига дафн этилган чернобиллик қаҳрамонларнинг қабрларига гуллар қўйилди.



Компьютерлар кун сайин жўшқин ҳаётимиздан ўзига хос ўрин эгаллаяпти. Мактаблар, ўқув юртлари талабалари электрон ҳисоблаш машиналарида ишлаш сир-асрорларини кунт билан ўрганишмоқда.

Қўқон Давлат педагогика институти талабалари ҳам бу «бахт»дан бебаҳра эмаслар. Илм масканида учта компьютерлар синфи фаолият кўрсатмоқда.

СУРАТДА: ахборот ва ҳисоблаш математикаси кафедраси катта ўқитувчиси Муаззас Иброҳимова машғулот пайтида.

Сураткаш Муҳаммад АМИН.

Нон экспорт қиламизми?

Эшитишимча, нонимизни биз американликларга ҳам етказиб берарканмиз. Шу ростми!

Б. БАРАНОВ
Москва.

Ҳақиқатан ҳам, ҳар ҳафтада океан ортига икки минг буханка ноннинг «бородино» тури жўнатилади. Уни СССРдан АҚШга экспорт қилишни Совет-Ғарбий Германия «Интерферма» корхонаси, Американинг «Эф-Эн-Кей промушнз» фирмаси ва «Мосгорхлебпром» бирлашмаси ташкил қилган.

Нью-Йоркда «бородино» нони нуфузли «Блюмингдейл»да сотилади. Нархи қиммат бўлишига қарамасдан — бир буханкаси 5-6 доллар, бизнинг нонимиз учун америкаликлар доимо навбатда туришади.

Яқин вақтларда АҚШ ҳудудида рус нонини ёпадиган ҳамкорликдаги Совет — Америка корхонасини ташкил қилиш кўзда тутилмоқда. Тахминий фойда йилига 100 минг доллар бўлади.

ЗАГСга «Мерседес»да борамизми?

ЗАГСга «Чайка»да бормоқчи эдик, лекин бизга бу машина учун навбатга туриш ва уч ой кутиш керак дейишди. Нима учун бундай!

С. ПРУТНОВ
В. ПРОХОРОВА,
Москва.

«Мосавтолегтранс» Москва ишлаб чиқариш бирлашмаси енгил автомашиналардан фойдаланиш хизмати бошлиғи В. Хритинин жавоб беради:

— Шартнома усули бўйича бизнинг бирлашмада шахсий «Волга»ли 3800 киши ишлайди. Келин-куёвларга хизмат кўрсатиш учун эса бизда атиги 29 та «Чайка» бор эди. Яқинда бизга вазирлар ва уларнинг ўринбосарларига бириктириб қўйилган «Чайка»лардан яна 20 та ажратишди. Аммо, навбатда туриш муаммоси бу билан ҳал бўлмайди.

Дарвоқе, «Диалог»га маълум бўлишича, шу йилнинг март ойи бошидан бошлаб пойтахтлик келин-куёвларга ҳамкорликдаги Совет — Япон корхонаси «Авто-Сан» фақат «Чайка»ларнигина эмас, балки «Ниссан-Седрик» (1 соатга — 40 сўмдан), «Ниссан-Микро» (1 соатга 6 чет эл валютаси)ларни ҳам таклиф қилмоқда. Бу корхона фақат шошилинч буюртмаларнигина бажаради.

Ур тўқмоқми?

Айтишларича, бизнинг шонли милициямиз қуролланган резинали таёқ Америкадан келган эмиш. Қизиқ, американлик полициячиларнинг резинали таёғининг оғирлиги ва узунлиги қанча-ю, бизникида қанча!

А. МОРОЗОВ.
Реутова.

СССР Ички ишлар вазирлигидан бизга хабар қилишларича, резинали «тартибни сақлаш қуроли»нинг оғирлиги 730 грамм, узунлиги эса — 66 сантиметрдир. Америка элчихонасининг иккинчи пресс-атташаси Майкл-Хэрли америкалик полициячиларнинг К-24 таёғи енгил қаттиқ ёғоч билан пластмасса қуймасидан тайёрланишини айтиб берди. Шунинг учун ҳам унинг оғирлиги 250 грамм атрофида, узунлиги эса (дастасиз) 43 сантиметрдан иборат экан.

Биз американликларнинг ва советларнинг «ур тўқмоқлари»дан фойдаланиш қоидаларини аниқламай қўявердик. Афтидан улар ўртасида тафовут бор. Аммо «Диалог» ғурур билан, бизнинг милиция бизни анча мустаҳкам қўриқлайди деган хулосага келган.

Музқаймоқни ким ўйлаб топган?

Бу аниқ маълум эмас. Бу ҳақда қадим замонларда Гиппократ ҳам ёзиб қолдирган. Айниқса, музқаймоқ Шарқда кенг оммалашган. «Минг бир кеча» эртакларида салқин ширинлик ҳақида жуда кўп эслатиб ўтилган.

«Замонавий» музқаймоқ унча узоқ бўлмаган даврда, XVIII асрнинг охирлари ва XIX асрнинг бошларида пайдо бўлган. Россияда эса XIX асрнинг 30-йилларидан оммалаша бошлаган. У қўлбола усулда тайёрланган ва Гиппократ ёзиб қолдирганидан фарқ қилган.

СССРда музқаймоқни фабрика орқали ишлаб чиқариш 1932 йилда бошланган. Ўтган 57 йил ичида у анча ўзгарди. Ҳозир илгари унут бўлиб кетган «қуруқ» музқаймоқлар ҳам пайдо бўлди. Уни сув ёки сут билан қориштиришган.

СССРда ҳаммаси бўлиб 60 хил музқаймоқ ишлаб чиқарилади ва ҳар йили катталар учун ҳам, болалар учун ҳам ёқимли бу ширинликдан савдога 700 минг тонна етказиб берилади.

Лотерея бўйича саройми?

Спорт лотереяларидан тушадиган фойдани ҳисоблаб кўрсам жуда кўп маблағ бўлар экан. Қизиқ, бу пуллар қаерларга ишлатилади!

И. ШЕРТСНЕВ.

Тўрт хил спорт лотереялари — 36 дан 5 та, 45 дан 6 та, «Спортпрогноз» ва «Спринт»дан ўтган йили 333 миллион сўм тушган. Бу маблағнинг асосий қисми СССР Давлат спорт қўмитасига ўтказилади.

Дарвоқе: «Диалог» мухбирига Бошспортлотодан хабар қилишларига кўра, битта спорт саройи ўртача икки миллион сўм атрофида турар экан. Спорт лотереяларидан бир йилда тушган фойдага 166 та катта спорт саройлари қурса бўлар эди. Аммо...

ЕТАКЧИ

1981 йил Парижда Бастилия майдонида тўпланган ўн минглаб кишилар қаршисига қандай ҳаяжон билан чиққанимни тасаввур қила оласизми? Оврупо бўйлаб Тинчлик намойиши бошланган эди. Шўро вакилларидан гапириш ҳуқуқи фақатгина менга берилди. Негаки, мен уларни ҳеч қачон алдамаганман. Менга ишонишарди. Шундан сўнг Москвага Оврупода инқилоб бўлмоқда ва бу оламшумул дақиқалар у ердаги турмушда туб бурилиш ясайди, деган мазмунда телеграмма йўлладим. Минглаб инсонлар «Першинг» ва бизнинг СС—20 ракеталаримизга қарши норозилик билдираётгандилар. Халқ жунбушга келса, ҳеч ким тўхтатиб қололмас экан. Бор-йўғи уч ойдан сўнг минглаб эмас, миллионлаб кишилар намойишга чиқиб, Рейганни «ноль варианти» деган қарорни қабул қилишга мажбур этдилар. Афсуски, Иттифоқимиз ҳам шундай қарорни қабул қилиши учун олти йил керак бўлди. Ўйлайманки, демократиянинг биринчи сабоқларини Шарқий Оврупо айнан ўшанда олганди.

— Шўро Тинчликни Сақлаш Қўмитаси (ШТСҚ) олиб бораётган йўлнинг нимаси сизга маъқул эмасди?

— Авваламбор тинчлик тарафдорларининг доираси жуда чекланганлиги: «бизникилар» ва «бегоналар». «Бизникилар» — бу Жаҳон Тинчлик Кенгаши эди. У тўлиғича Шўро давлатига қарам бўлиб, асосан мамлакатимиз халқига тарғибот олиб бориш учун бир кўриниш сифатида керак эди, холос. Бошқачароқ қилиб айтсак, халқни алдаш учун лозим эди: яъни «Кўряпсизми, Жаҳон Тинчлик Кенгаши, умуман жаҳон халқлари биз томонда. Империализм эса бунитан олмаётир». Бироқ ЖТКнинг «биз томон» бўлиши табиий эди. Негаки уни маблағ билан, жумладан, ходимларни маош билан биз таъминлардик. Шу сабаб «жаҳон халқлари» Тинчлик Маршига қарши эдилар. Ҳаттоки ЖТКни 25 йилдан бери бошқариб келаётган Чандра ҳам бир нутқида «Маршда Шўроларга қарши Томпсон қатнашаётгани учун у антисовет марш» дейишгача бориб етганди. Мен бу фикрни қаттиқ танқид қилдим ва Маршда ким қатнашишидан қатъи назар улар ядро қуролига қарши курашаётган эканларми, мен ҳам шу сафда бўламан, дедим. Негаки агар ядро уруши бошлангудай бўлса, Шўролар ҳам, уларнинг душманлари ҳам йўқ бўлиб кетишлари табиий.

— Қайси Томпсонни назарда тутяпсиз?

— Эдвард Томпсон. Таниқли инглиз тарихчиси. Замонавий ядрога қарши ҳаракат етакчиларидан бири, «Хартия-77»нинг тарафдори. Инсон ҳуқуқларининг қизғин ҳимоячиси. Рейган ва Брежнев қуролланишга зўр бераётганини қоралаб, бу ҳарбий зиддият эмас, балки мафкуравий зиддият асосида рўй бераётган ҳол деганди. У ҳақ бўлиб чиқди. Томпсон ядро қуролсизланиши учун Оврупо конвенти (И — Эн — Ди) тузилишида ҳал қилувчи роль ўйнаган шахс. Афсус, бу ташаббусга ҳам бизда узоқ вақт «бегоналар», деган-дай қинғир кўз билан қараб келишди. Ҳозир эса И — Эн — Ди дунёдаги энг нуфузли ҳаракатлардан бири. Кулгилиси шундаки, бу ҳақда ўша вақтда гапиришга тараддудланиб юрганимда ўртоқларим огоҳлантиришганди: «Гапирма Тоир, сени олиб ташлашади...»

Ҳукуматга биринчи баёнотини Тоир Тоиров 60-йиллар охирида йўллади. Прага бўйлаб ўтган шўро танклари уни қўлига қалам олишга мажбур қилди. Баёнотни тайёрлашга унинг бир ярим йилдан кўпроқ вақти кетди. Ўшанда Тоиров Л. И. Брежневга КПСС Ҳаракатномасини ўзгартиришни таклиф қилганди. У мавжуд Ҳаракатномани таҳлил қилиб, бу ҳужжат ақл билан эмас, балки кўр-кўрона яратилганини исботлаган, мамлакат ҳам, фирқа ҳам боши берк кўчага киряпти, деб ёзганди. Ундан чиқишнинг ягона йўли — фирқа позициясини ўзгартириш, демакки, Энгельс таъбири билан айтганда унинг байроғи — ҳаракатномасини ҳам ўзгартириш лозим. У Гот, Ленин, Плеханов, Мартов ҳаракатномаларини ўрганиб чиқиб, амин бўлдики, амалдаги ҳаракатнома жуда бузиб юборилган. Бундан ташқари Т. Тоиров энди коммунизм деган мавҳум тушунчани олиб ташлаш, назарий қисмни эса буткул янгилаш зарур, деб ёзганди. Негаки, ҳужжат жаҳон тараққийпарвар кишиларини ўзидан бездирарди, холос. Ахир қачонгача биз душманлар қуршовидамиз, деган бемаъни қўрқув ичида яшаймиз? Наҳот бутун дунё бизга душман бўлса?

— Чехословакиядаги воқеалардан сўнг бир неча киши Қизил майдонга чиққани, уларни қамоққа олишганидан хабарим бор, — деб давом этади Т. Тоиров. Евтушенко ўшанда: «Танклар Прагани топтаяпти, танклар ҳақиқатни топтаяпти», деб ёзган эди. Шахсий норозилик билдиришни лозим топмадим. Негаки мени олиб ташлашарди. Хельсинкида эса мен кераклироқ эдим. Шунинг учун очиқ, расмий йўл билан курашни давом эттирдим.

У иккита баёнот тайёрлади. Бири 100 варақ, иккинчиси 15 варақ. Брежневнинг муншийси билан боғлангач Марказқўмга келиб, қўлёзмасини топширди. Ўртоқларидан бири бу ҳақда эшитиб қолиб, жилмайиб деди: «Қизиқ эгансан-ку, нима бизни сен ёзган гаплардан хабари йўқ, деб ўйлайсанми?», «Бўлмаса нега жим турибсизлар?» Унинг бу саволи жавобсиз қолди. Анча вақтдан сўнг Тоировга қўнғироқ қилиб, тилини тийишни маслаҳат беришади. «Акс ҳолда онангга ўғлингиз касалхонага тушди, деган хабар юборамиз. Бир умр сени кўролмай ўтиб кетади». Кейин билса, руҳий касалхона назарда тутилган экан.

Иккинчи баёнотининг тақдири бир мунча яхши бўлди. 1984 йил Даниэль Элсберг (ядрога қарши тинч ҳаракат етакчиларидан бири) билан бўлган учрашувда бир томонлама ядро қуроли синовларини тўхтатиб туриш ҳақида гап кетди. Шу суҳбатдан сўнг Тоиров янги ғояни рўёбга чиқариш истаги билан яшай бошлади. Биринчи телеграммалар қумга сингган томчидай бенишон кетди. Москвага ШТСҚга бориб ҳам натижа чиқаролмади.

— Бироқ мен элчихона орқали бевосита ҳукумат раҳбариятига телеграмма йўллашим мумкин эди, — суҳбатни давом эттирди Т. Тоиров. — Телеграмма аввало Ташқи ишлар вазирлигига борар, у ерда эса номани кимга топширишни ҳал қилишарди. Бу сафар Черненко биринчи котиб бўлсада, «Горбачевга» деб ёздим. Хатимнинг қисқача мазмуни шундан иборат эди: Хиросима хотираси куни, яъни 6 августда Австралиядан Англиягача тинч намойишлар бўлиб ўтади. Қатнашчилар ядро қуроли синовини ўтказаётган давлатлар элчихоналарига қизил сиёҳ солинган идишчалар отишади. Шу сабаб 1 январгача ядро қуроли синовини тўхтатиб туришни маслаҳат бераман. Кейин эса АҚШ синов бошламагунча биз ҳам бошламаймиз, деган, мазмунда гап қилишимиз керак. Бу катта маънавий аҳамиятга молик иш бўларди.

1985 йил майида Вилли Бранд Москвага келиш олдидан унга телеграмма матнини бердим ва бизникиларга топширишни илтимос қилдим. Бранддан сўнг ўзим ҳам Москвага йўл олдим. Анчадан сўнг Хельсинкида 1985 йилнинг 29 июнида Горбачев баёнотини ўқидим: ҳаммаси ёзганимдек эди. Қанчалик бахтиёр эканлигимни билсангиз эди!

Бир йилдан кейин эса Тоир Тоиров оиласи билан 72 соат ичида Хельсинкидан чиқиб кетишга мажбур бўлади.

— Йўқ, мени ишдан бўшатганларидан эмас, ўрнимга нолойиқ одамни қўйганларидан ранжидим. Менга мансабнинг кераги йўқ. Бирон бир ёш кадр тайёрлай, бошлаб қўйган ишларимни топширай, дегандим, кўнишмади. Менинг жойимга умри давомида Ғарбдаги тинчликпарвар ҳаракатга тўсқинлик қилиб келган, чет мамлакатларнинг Иттифоқ билан алоқаларига путур етказган кишини тайинлашди. Ҳозир уни ҳам олиб ташлашди.

1986 йилнинг охирида Тоиров ҳукуматга учинчи бор ёзма равишда ҳаракатнинг аҳволи, ШТСҚнинг концепцияси ва тузилишини ўзгартириш зарурияти, у ҳозирда расмий аппарат фаолиятини қўллаб-қувватлайдиган бюрократик ташкилотга айланиб қолганлигини ёзган эди. Икки йил кутди. Ҳеч қандай жавоб бўлмади. Шундан сўнг у ШТСҚда сўзга чиқиб, ўз нуқтаи назарини эълон қилади ва «Комсомольская правда»га мақола йўллайди. Орадан сал ўтгач, Тоировни Дунё иқтисодиёти ва халқаро алоқалар институтига чақириб, (Тоиров у ерда шўъба мудири бўлиб ишларди) икки ҳафта ичида ишдан бўшашини таклиф этишади. Бор гапни тушунтириб ўтиришга ғурури йўл қўймай, Тоиров ариза ёзади. «Комсомольская правда» рўзномасида чиққан мақоласига ШТСҚ раисининг ўринбосари Г. Гречко раддия ёзиб, муаллифни ёмон ишлаганликда, ичи қораликда айблайди...

— Ўз ишингиздан қониқасизми? Кўнглингизнинг бир ери бўш эмасми?

— Мураккаб савол. Албатта бўшлиқ бор. Мен бу тузум қулашига ишонардим. Бироқ тириклигимда бунга гувоҳ бўлишимга... Ҳеч кимни алдаганим йўқ, барча билан бирдай давримиз юкини елкамга олдим. Катта укам урушда ҳалок бўлган. Отам, онам давлат хўжалигида ишлашган. Пахта терганмиз... Бошқалардан ортиқ жойимиз бўлмаган. Бироқ, агар шундай ўзгаришлар бўлишини билганимда ҳаётимни бир катта мақсадга сарфлаган ва бу мақсадим сари тўхтовсиз борган бўлар эдим. Ўзимни ҳеч ўйлаганим йўқ. Онамдан хавотир олардим. У киши инқилоб, фуқаролар уруши васвасаларини, 37-, 41-йиллар азобини бошидан кечирган...

Брежневга ёзган хатимдан ҳозир кўнглим тўлмайди. Эскича гаплар кўп эди унда. Шундай бўлсада ачинмайман. Мана унга берган бир саволим: нега Ленин социал-демократия фирқаси, яъни РСДРПдан воз кечиб, уни коммунистик — ВКП (б) га ўзгартирди. Ахир бу иш халқаро ишчилар ҳаракатини парчаланишига олиб келдику?

Ҳуқуқшунослик фанлари доктори, профессор Т. Тоиров бугун «Фуқаролар тинчлиги» деб номланган норасмий мустақил ташкилотга раҳбарлик қилмоқда. Бу ташкилот фуқаролар урушига қарама қарши куч, «душман» тушунчасини йўқотиш, босқинчилик, миллатчилик, ирқчиликка қарши, тинчлик, демократия, маданият учун адолатли ҳаракат сифатида рўёбга келган. «Фуқаролар тинчлиги» кўплаб ғарб ҳаракатлари билан боғлиқ (хоҳловчилар 145-25-72 телефонига қўнғироқ қилишлари мумкин).

— Биласизми, оммавий қирғин воситаларини таъқиқлаш ғояси қаерда туғилган? Россияда. 1868 йил Петербург Баёнатномаси таниқли ҳуқуқшунос Мартенс тузатиши бу ғояга асос солган. Кейинчалик 1907 йилнинг Гаага конвенциялари, 1925 йилдаги Женева протоколи қабул қилинган.

— Тоир Тоирович қандай қилиб сиз — шарқ кишиси ғарб кишисига айланиб қолдингиз?

— Менинг бувам диний фалсафа намояндаси эдилар. У кишидан миллатларини сўрашса, доимо мен она ер фарзандиман, деб таъкидлаган эканлар. Мен ҳам шу фикрдаман. Мусиқани жуда севаман. Шу сабаб ёки сиёсатчи ёки машшоқ бўлишни орзу қилардим. Бир сафар Хельсинки бўйлаб машинада кетаётсак, Самарқанд ҳақида қўшиқ бериб қолишса бўладими. Швед тилида. Ҳаяжонимнинг чеки йўқ эди. Шарқ ва инглиз шеъриятини севаман. Мен ирқчилик назариясини чуқур ўрганганман ва оқлару қоралар, араблару яҳудийлар орасида фарқ йўқ, деб ҳисоблайман. Яхшилик ва ёмонлик орасидаги фарқ бундан мустасно. «Фуқаролар тинчлиги» оёққа турса, раҳбарликни топшираман. Етакчи бўлишни истамайман. Бу менинг руҳиятимга тўғри келмайди. Ўйлайманки, бу умуман ғарбча фикрлашга мос эмас. Ахборот асрида жамият доҳийларга муҳтож эмас. Маънавий даҳолар бўлса, бошқа гап. Ҳар ким ўз-ўзига етакчи.

— Ўғилларингизга қандай истак билдирган бўлардингиз?

— Қизиқувчан ва дадил бўлишни. Ҳар бир давр авлодларга имконият беради. Айниқса, ҳозирги давр. Мен яқинда 40 йил аввал ўқиган мактабимда бўлдим: ўша-ўша зах ер, ўша-ўша голланд печкаси. Бироқ бизнинг давримизда Алишер Навоийнинг «Олим бўлсанг — олам сеники», деган сўзлари осиғлиқ турарди. Энди эса «Асосийси — интизом», деб ёзиб қўйилибди.

МАНА ШУНАҚА ГАПЛАР. Бир томондан бахти чопган киши, иккинчи томондан... бировларни муҳокама қилишдан на ҳожат? Ҳар ким ўзига етакчи эмасми?

О. КУЧКИНА.

Журналист рўзномани ўзгартиради

БИЗНИКИЛАР «БИЛЬДА»ДА

«КОМСОМОЛЬСКАЯ ПРАВДА» МУХБИРЛАРИ ҒАРБИЙ ГЕРМАНИЯДАГИ ЭНГ ЙИРИК РЎЗНОМАНИНГ ВАҚТИНЧА РЕПОРТАЖЧИЛАРИ БЎЛДИЛАР

Москвадаги ҳамкасабаларимиз беғараз ҳавас қилдилар. Ҳазилми, «Бильда»да ишлаймиз-а! Ана шу рўзноманинг «ошхонасини» ўз кўзимиз билан кўриш — бу катта омад. Бунинг учун ўз вақтида Ғарбий германиялик публицист Гюнтер Вальраф ташқи қиёфасини ўзгартиришга, сохта ҳужжатлар тайёрлашга ва редакцияга ўзга ном билан тақдим этишга тўғри келган эди.

Ганноверда саҳар соат 2 да совет поездидан Гамбургга борадиган маҳаллий поездга ўтирар эканмиз, вокзалдаги дўконча сотувчисидан рўзномаларнинг янги сонини сўрадик.

— Марҳамат, ҳаммаси бугунги, — деб жавоб қилди у пештахтага уюб қўйилган рўзномаларни кўрсатиб.

— Афтидан, ҳар ҳолда энди, кечаги бўлса керак? — намойишкорона соатимизга қараб киноя қилдик.

— Йўқ, айни шу бугунги. Бизга 3 соат муқаддам олиб келишди. Ўшанда улар келгуси кунники эди.

Пештахта олдида турган йигитчанинг чеҳрасида табассум кўринди.

Ҳақиқатан, киноямиз ноўрин эди. Ғарбий Германиядаги жуда кўп тонгги рўзномалар дўкончаларга кечқурун етказиб берилади.

Биз харид қилган рўзномалар орасида «Шпрингер» бирлашмаси томонидан чоп этилаётган ўнлаб нашрдан бири бўлган «Бильд-цайтунг», «Бильд» ҳам бор эди. «Шпрингер»нинг ўзи эса Федератив жумҳуриятдаги ғоят йирик рўзнома-жарида гиганти. Унинг редакция бинолари Гамбургдаги бутун бир кварталнi эгаллайди.

Мана биз Кайзер-Вильгельмштрасса, 6 дамиз. Кираверишда очиқ чеҳрали қоровул. У ҳамма билан уюшмуомала ва такаллуфли, лекин рухсатномаси йўқларга қаттиқ, лифтларга чиқишга ижозат бермайди.

Бутун олтинчи қаватни «Бильда» редакцияси эгаллаган. Бизникидан фарқи ўлароқ (айтгандек, ажойиб ўхшашликни қаранг, биз ҳам олтинчи қаватга жойлашганмиз) бу ерда босиш машинкаларининг чиқиллашлари эшитилмайди. Ҳаммаси компьютерларда босилади.

Бу ерда суратчаш репортажчилар ҳам бошқача шарт-шароитларда ишлайдилар. Уларнинг вазифаси воқеаларни, фактларни «қайд» этишдан иборат, холос. Қолган барча ишларни — плёнканинг тасвирини чиқариш, қуритиш, катталаштириш, қоғозларга туширишни машиналар бажаради. Умуман, иш яхши жиҳозланган конвейерга қўйилган. Бироқ, афсуски, бунда ҳам ўзига хос камчиликлар бор. Бошдан то охиригача фақат автоматлар билан ишланган сурат қандайдир ўз «жонлилигини» йўқотиб, воқеликнинг шунчаки қуруқ аксига айланиб қолади. У ижодий ёндашувдан тўла маҳрум бўлади.

Айтгандек, «Бильда»да «ижод» сўзи истеъмолда эмас. Журналистлар уни муштарийларни зудлик билан хабардор қилишдан иборат ўз вазифаларида, деб биладилар. Қандай тарзда? Бутун рўзнома («Бильд» таржима қилинганда «суратча» маъносини англатади) ва сарлавҳалар суратларга асосланган. Сарлавҳалар тагсўзларга қараганда ҳам кўпинча катта ўринни эгаллайди. Саҳифаларга шундай кўз югуртириб чиқиш билан бўлаётган барча нарсалардан хабардор бўлиш мумкин. Хабарларни батафсилроқ билиб олиш, асосли шарҳларни ўқиш учун яхшиси бошқа нашрларни олиш лозим.

Редакцияда «Бильд-цайтунг» тахламини варақлаб, ажойиб фактни очдик. Олдимизда икки рўзнома. Ҳар иккиси ҳам ўтган кунги. Улардан бири 24 саҳифадан, бошқаси эса 18 саҳифадан иборат. Биринчи саҳифаларда эгизаклар суратлари берилган. Қолгани эса бир-бирига мутлақо ўхшамайди. Биз буни сўраган эдик.

— Бунда қандай таажжубланадиган жойи бор? Сиз қўлингизда икки хил — Гамбург ва Мюнхен нашрини ушлаб турибсиз, — деб изоҳлашади ҳамкасблар. — Айтайлик, Штутгартники ҳам мана шу икки нашрдан катта фарқ қилади. Муштарийимиз учун принцип жиҳатидан фақат унинг шаҳрида нималар содир бўлаётганлиги қизиқарлидир. Ғоят катта воқеаларгина барча сонларда ёритилади, холос.

— Демак, музофотни назарда тутувчи умуман «Бильд-цайтунг» мавжуд эмас экан-да? Ҳар бир шаҳарда ўз қиёфасини ўзгартирадими?

— Йўқ, нега, шундай нашр бор. «Бильда» маҳаллий чоғроқ шаҳарчаларда унга талаб катта.

— Гамбургда содир бўлаётган воқеалар Мюнхен аҳолисини наҳот тўлқинлантирмайди?

— Мутлақо тўлқинлантирмайди. Бу икки мутлақо ҳар хил шаҳар: Бирида асосан мунтазам черковга қатновчи художўй кишилар, католиклар яшашади. У ерда ҳокимият анъанавий ўнглар қўлида. Гамбургда эса асосан черковга ғоят совуқ муносабатда бўладиган аҳоли — протестантлар. Бу ерда эса социал-демократларнинг «баллари ҳукмрон». Бизда ҳатто «юртдошлик ватанпарварлиги» деган тушунча ҳам мавжуд.

— Бу қанақаси бўлди, Гамбургда чоп этилаётган «Бильд» — сўл рўзномами?

— Ҳеч ҳам ундай эмас. Ўнг. Тўғри, у ўз мазмуни бўйича кўпроқ Мюнхенники, ундан кўра Гамбургники. Айтганларидек, тарихан ана шундай ҳолат юзага келган.

Бир пайтда чиқадиган нусхаси Ғарбий Германиядаги бошқа исталган нашрларга қараганда ўн карра юқори бўлган бу рўзноманинг фавқулоддалиги қаерда экан? Бу ерда кўпчилик рўзномани «бемаза», «сийқа», деб аташади-ю, лекин шунга қарамай, мунтазам ўқиб боришади.

С. БУТКОВ, А. ФИЛАТОВ.
Гамбург.

Сиз учун учрашув

Комиссарнинг севимли аёли

Барбара Де Россининг комиссар Каттани билан учрашгунига ва ундан кейин (у Каттанини севиб қолган гиёванд Тити Печчи-Шалойяни ролини ўйнаган) ўзгача ечимларга эга бўлган бир қатор бошқа фильмларда қатнашган. Каттани билан учрашишига қадар икки ой мобайнида ахлоқ тузатиш ташкилотида бўлиб, гиёвандларнинг хулқ-атворларини, ахлоқини ўрганган.

Тити курашга бардош бера олмай, ўз-ўзини ўлдиради ва Барбара экрандан ғойиб бўлади. «Спрут»нинг кейинги туркумларида аёллар портретларининг мажмуаси сезиларли даражада хиралашиб қолади. Барбара экрандан ғойиб бўлиши билан бирга майин соғинч ва ўкинчларни ҳам олиб кетади.

...Барбара Де Росси бизга Феллинининг «Амаркорд» фильми орқали таниш. У Римини шаҳарчасида улғаяди. Ҳозир бизнинг мамлакатимизда ўтаётган «Римини ва кино» фестивали очилишида Барбара Де Росси Италия кинематографиясининг учинчи «юлдузи» қатнашаётганлиги тасодифий эмас, албатта.

Унинг Италия киносида тутган ўрни ранг-баранг. Барбара ҳеч қандай кинoактёрлик мактабини тугатган эмас. У — туғма артистка. Таниқли италиялик режиссёр Альберто Латтуада томонидан тасодифан назарга тушганидан кейин у кичик ролни ижро этади. Ана шу кинода роль ўйнаш билан бир пайтда унинг ойнаи жаҳонда биринчи қадами ҳам содир бўлади. У дастлаб «Ўзгача ёз» етакчи ахборот телепрограммаларидан бирида чиқади. У беҳаё ва шаҳватпарастлик фильмларида тасвирга тушиш таклифларини рад этади. Барбара худо фақат хушбичим қоматгина эмас, балки ақл-заковат ҳам ҳадя этган актёрларга мансубдир. Унинг кинематографиядаги мавқеи энг юқори поғонага кўтарилган.

— Лекин кейинги вақтларда — дейди Барбара, — кўпинча фоҳиша тусига кириш учун грим қилишимга тўғри келаяпти. Фестивалга олиб келишимизга мувофиқ бўлинмаган фильмлардан бирида деҳқон ўз уйига олиб келган фоҳиша аёл ролини ўйнаганман. Деҳқонларда йилига бир маротаба фоҳишани бир ойга ижарага уйига олиб келиш ва у билан хотини мисоли яшаш одати бор. Бироқ, менинг қаҳрамонимда бу найранг ўтмайди. Деҳқон уни севиб қолади.

— Фоҳишаларга сизнинг муносабатингиз қандай!

— Уларга ачинаман. Пировард натижада улар етарли тарбия ва таълим олмаган аёллардир.

— Мамлакатимизда, анкетага олинган жавобларда баъзи бир мактаб талабалари фоҳишаликни касб-кор қаторига қўшаётганликлари ҳақида жавоблар бор.

— Бизда ҳам кўчадаги фоҳишалар ва совет жамиятида ҳам фоҳишалар мавжуд. Лекин ҳар қандай бўлса ҳам суюқоёқ ҳамиша фоҳишалигича қолаверади.

— Сизга қандай турдаги аёллар ёқади!

— Уй соҳибаларини ёқтираман. Бу аёллар маълум маълумотга эга бўлишлари шарт эмас. Улар ҳамиша ва ҳамма ерда ўз эрларига қараб турадилар. Менга ишбилармон аёллар ёқмайди.

— Сиз кучли ва мустақкам инсон таассуротини қолдирасизми!

— Йўқ, йўқ, йўқ! Менинг кучим шундай кўринишда бўлиши мумкин. Мабодо, у мавжуд бўлса ҳам, асосан ташқи дунёдан ўз-ўзимни ҳимоя қилиш учун хизмат қилади.

— Сиз Худога ишонасизми!

— Ҳа. Бироқ сўнгги вақтда, айниқса, онамни бериб қўйганимдан сўнг, унинг мавжудлигига шубҳаланадиган бўлиб қолдим.

— Америка киносига сиз қандай муносабатдасиз!

— Америка киноси — ажойиб кино. Биргаликда қўйилган фильмларда бир неча бор тасвирга Америкада эмас, балки Европада тушишимга тўғри келган. Америка киносининг муваффақияти америкаликларнинг шунчаки пули кўплиги билан изоҳланади. У ерда ажойиб актёрлар, бунинг устига устак доллар кўп.

— Тасвирга тушиш майдончасида сиз учун энг асосий нарса нима!

— Актёр ва режиссёр ўртасида бир-бирини тушунишга эришишдир. Ўзига хос никоҳ тўйини ижро этишдир.

— Сиз ким билан муваффақиятли никоҳ тўйини «ўйнашга» муяссар бўлгансиз!

— Франко Росси, Франческо Массаро, Анной Брази билан.

— Сиз қайси рус актёрлари билан тасвирга тушишни истардингиз!

— Михалков-Кончаловский ёки Глеб Панфилов билан.

— Сизнинг оилангиз, фарзандларингиз борми!

— Фақат эрим бор. У кинооператор.

— Сизнинг тузган шартномаларингиз, таклифларингиз кўпми!

— Шунчалик кўпки, уларни қандай қилиб режалаштиришни баъзан билмай қолман.

— Сиз учун кино ёки ҳаёт муҳимми!

— Албатта, ҳаёт...

Бизда, русларда кўпинча ё ҳаёт, ё саҳна деган масалани қўйишади. Нима учун бизда умрбод мартен печи ёнида туришга ёки жамоа хўжалиги даласида ишлашга, ёки... бўлишга тарбиялашган. Ҳаёт эса фақат меҳнатдангина иборат эмас-ку. Феллини, Антониони, Тарковский фильмларининг юзага келишига даҳлдор бўлган киносценарийчи Тонино Гуэрра ана шу ҳақда эслатиб ўтади.

Т. ХОРОШИЛОВА.

СУИҚАСД УЮШТИРИЛДИ

БОНН. Чоршанба куни кечқурун Германия социал-демократик партиясидан канцлерликка номзод Оскар Лафонтенга суиқасд қилинди. ДПА агентлигининг хабар қилишича, Кельн шаҳрида бўлиб ўтган сайловолди митингида Лафонтенни табриклаш учун гулдаста кўтариб келган номаълум аёл унинг бўйнига пичоқ урди. Врачлар Оскар Лафонтеннинг саломатлиги хавф остида демоқдалар. Бўйнига пичоқ уриш натижасида тиғ уйқу томирига тегиб, кўп қон кетган. У вертолётда Кельн дорилфунунининг клиникасига келтирилди, бу ерда врачлар унинг ҳаётини сақлаб қолиш учун курашмоқдалар.

46 яшар Лафонтен Германия Федератив Жумҳуриятидаги янги авлодга мансуб энг қобилиятли сиёсатчилардан биридир. Жамоатчилик фикрини сўраб билиш натижаларига қараганда, у обрўси жиҳатидан асосий рақиби — канцлер Гельмут Колдан устун турибди. Германия социал-демократик партиясининг раҳбари Саар ўлкасида ишчи оиласида туғилган. Маълумоти жиҳатидан физик. Сиёсий жиҳатдан жуда тез ўсди. 32 ёшида мамлакатдаги энг навқирон обербургомистр бўлди. Тўққиз йилдан кейин Саар ўлкаси Бош вазири лавозимини эгаллади.



Қизиқ, бировлар бутун бир жамиятни қайта қуриш билан овора. Бировлар тинчлик учун кураш билан умрларини ўтказишади.

Сиз суратда кўриб турган «бахтиёр» инсон эса қартани аралаштириш бўйича «ихтиро» қилди. Шуниси ажабланарлики, бу «ихтиро» учун энг замонавий компьютерлардан фойдаланишга тўғри келди.

ТАСС суратлавҳаси.

«ХАБЛЛ» КОИНОТДА

НЬЮ-ЙОРК. Беш кунга мўлжалланган парвозни давом эттираётган кўп марта фойдаланиладиган «Дискавери» Америка космик кемасининг экипажи чоршанба куни ер атрофи орбитасига «Хаббл» телескопини олиб чиқди. Астронавт Стив Холи узунлиги 17 метргача келадиган манипулятор ёрдамида юк бўлинмасидан 12 тонналик илмий асбобни кўтарди, бу асбоб ер теварагида мустақил айлана бошлади. Америкалик мутахассислар «Хаббл» телескопининг космосга олиб чиқилишини «Галилей давридан буён астрономия тарихидаги энг буюк воқеа» деб атамоқдалар. Бу аппарат энг замонавий технологиядан фойдаланиб ясалган. Унинг ёрдамида ердан 14 миллиард ёруғлик йили масофасида жойлашган юлдузлар ва галактикаларни ўрганиш мумкин. Тасвир келаси ҳафтадан олина бошлайди, ер атмосфераси тасвирни бузмайди. «Хаббл» коинотнинг келиб чиқиши билан боғлиқ кўпгина саволларга жавоб топишда, ҳусусан унинг «Катта портлаш» натижасида юзага келганлиги ҳақидаги фаразни текширишга ёрдам беради, деб умид қилмоқдалар.

КАТТАНИ БИЗГА ЁРДАМ БЕРАДИ

Римда уюшган жиноятчилик билан кураш соҳасида Совет— Италия шартномаси имзоланди.

Италияда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг ўнг ва сўл террорчилар, гиёвандлик моддаларини тарқатувчилар ва мафияга қарши курашдаги муваффақиятлари халқаро эътироф этилишга лойиқ эканлиги сир эмас.

СССР Ички ишлар вазири В. В. Бакатинни Римга Италиянинг айни шу тажрибаси олиб келди. Унинг италиялик ҳамкасби — вазир Антонио Гавой билан учрашуви ғоят сермаҳсул ва икки томон учун ҳам манфаатли бўлди: уюшган жиноятчилик ва гиёвандлик моддаларини тарқатувчилар билан кураш юзасидан ҳар икки вазир бошчилигида икки томонлама Совет—Италия қўмитасини таъсис этишни назарда тутувчи шартнома имзоланди. Мунтазам ахборотлар алмашиниб туриладиган бўлди.

О. ШЕВЦОВ.
(Ўз мухбиримиз).
Рим.

«Роки—VI» бўладими?

«Ўзга дунёга» видеофильмлар орқали назар ташлаймиз. «Роки — V» нинг экранда қачон пайдо бўлишини сабрсизлик билан кутаман. Олтинчи фильмни ҳам олиш мўлжалланяптими!

Р. АНИСЕНКО,
Кривой Рог.

Америка киносининг юлдузи Силвестер Саллоне, деб ёзади «Ньюсуик» ҳафтаномаси, қуйидаги баёнотни берган: «Роки — V» картинаси унинг иштирокидаги охирги серия экан. Унда Силвестернинг ўн уч ёшли ўғли Сейдж ҳам «Роки»нинг ўғли сифатида суратга тушмоқда.

Шундай қилиб, Саллоне сериалнинг давомида бошқа қатнашишни истамаётир. Энди Америкадагилар балки Сейдж «Роки — VI»да бош ролни ижро этар деб, фол очиб юришибди.

Видео нимани кўрсатади?

Видеомагнитофон, видеокассеталар ишлаб чиқариш бўйича биз видеоoламида нечанчи ўринни эгаллаймиз.

Е. ТКАЧЕНКО.

80-йиллар охирида Араб мамлакатларидаги оилаларда энг кўп видеомагнитофон бўлган. Оммонда — 81,5 фоиз, Бирлашган Араб Амирлигида — 72 фоиз, Қувайтда — 74,2 фоиз, Японияда — 70,9 фоиз, Сингапурда — 65 фоиз, Ливан, Исландияда — 62 фоиз, Исроилда — 60 фоиз, Англия, Баҳрайнда — 60,5 фоиз, Гонконгда — 57 фоиз, Малайзия, Австралияда — 50 фоиз, Панамада — 46 фоиз, Ҳиндистон, АҚШда — 43 фоиз, Филиппинда — 42 фоиз, Хитойда — 2,3 фоиз, СССРда — 0,7 фоиз оилада видеомагнитофон бўлган.

Япония 1985 йилдаёқ 31 миллион видеомагнитофон ишлаб чиқарган, видеокассеталар эса 76 миллион долларлик (бир донаси 1-2 доллар) сотилган. Ғарбий Европа мамлакатлари 23 миллион видеомагнитофон ишлаб чиқаради. Шимолий Америка мамлакатлари 1979 йилдаёқ бир миллион видеомагнитофонга эга эдилар. Ҳозир эса 45 миллион. 1987 йилда СССРда 40 минг видеомагнитофон ишлаб чиқарилган.

Бу йил видеомагнитофонлар ишлаб чиқариш 3,7 баробарга кўпайтирилади.

Ҳукм меҳнат дафтарчасига ёзиладими?

Колонияда ишланган вақт меҳнат дафтарчасида иш стажи бўлиб қайд қилинадими!

М. БАЛАБАНОВ.
Москва.

СССР Давлат меҳнат қўмитасидан хабар беришларича, меҳнат дафтарчалари фақат шартли равишда ҳукм қилинганлар учунгина юритилар экан. Намунали хулқи учун шартли равишда озод қилинган киши, уни қайси жамоага юборишган бўлишса, ўша ернинг тўла ҳуқуқли аъзоси бўлади ва муддати тугагунча янги жойда меҳнат қилади.

Қамоқда ўтирганларнинг ўтган даври иш стажига қўшилмайди.

Корея учун жанг

Шимолий Кореяни озод қилишда ҳалок бўлган совет аскарларининг аниқ сони маълумми! Японияниг тўла таслим бўлишида ҳал қилувчи муҳим омил нима бўлган!

Н. АРСЕНЬЕВА.

Ҳа, маълум. «Диалог»га бу маълумотни топишда СССР Мудофаа вазирлигининг ҳарбий тарих институти ходими В. Зимонин ёрдам берган. Корея ярим оролидаги жангларда Совет Армияси 8 минг 219 кишини йўқотган, 22 минг 264 жангчи ярадор бўлган. Квантун армиясининг йўқотиши бизникидан анча кўп бўлган. Корея ярим оролидаги ҳарбий операцияларда ҳаммаси бўлиб 1,7 миллион киши қатнашган.



Ғалабанинг 45 йиллиги олдидан

Суратларда акс этган бу тарихий лаҳзаларни ҳаяжонсиз кузата олмайсиз. Улуғ Ватан урушининг сўнгги кунлари... Болгариялик оналар халоскор Совет жангчиларини олқишлашмоқда. Эльбадаги учрашув... Ҳамшира, кичик сержант Любовь Казниченко америкалик аскарга гулдаста тақдим этмоқда... Қўшинлар Берлин сари йўл олишмоқда... Мурманскда Заполярьенинг қаҳрамон ҳимоячиларига ўрнатилган ёдгорлик.

...Ҳар бир сурат хаёлимизни ўша тарихий, оловли йиллар томон олиб кетади. Урушнинг халқимиз бошига келтирган кулфатлари, қурбонлари ҳақида ўйлаймиз. Ҳалок бўлган оталаримизни хотирлаймиз. Бугунги ҳаётимиз учун улар қон тўкканликларини ҳис этамиз.

Улуғ Ватан урушининг, Буюк Ғалабанинг гувоҳи бўлган кишилар орамизда тобора камайиб бораётганлигидан ўксинамиз. Уруш нималигини авлодлар аниқ билиши, ғалабамизнинг асосий омили мамлакатимиз халқларининг мустаҳкам дўстлигида бўлганлигини тушунишлари учун бугун ҳар бир ветеран хотираларини ёзиб олмоғимиз зарур. Байрам арафасида уруш иштирокчилари билан ёшларнинг учрашувлари бўлиб ўтаётир. Ана шу тадбирлар изсиз қолмаслигига ҳаракат қилайлик.

ТАСС сурат-хроникаси.







Машинадан қандай фойдаланишади?

СССР Олий Кенгашининг аъзолари бириктилган хизмат автомобилидан фойдаланишадими?
Е. БОГАТОВА.
Орел.

Дарҳақиқат, ўз статусига мувофиқ СССР Олий Кенгаши аъзолари бириктилган хизмат машиналаридан фойдаланиш ҳуқуқига эгадирлар. Бу табиий: чунки депутат кунига . ўнлаб турли тадбирларда қатнашади. Олий Кенгаш палаталари раислари «Чайка»дан, комиссия ва қўмита раислари эса бириктирилган «Волга» хизмат машиналаридан фойдаланишади.

Бошқа депутатлар-чи, ёки уларга бириктирилган хизмат машинаси йўқми?

Ҳохлаган пайтда, агар бу зарур бўлса, улар Обручева кўчасидаги Олий Кенгаш автопаркига сим қоқиб, автомобиль учун буюртма беришлари мумкин.

Хат соатга қараб жўнатиларmиди?

Конвертларга нима сабабдан муҳр босилади?
О. ВОЛЬГИН.
Минск.

— Эҳтимол, тавқим тамғаси кўзда тутилаётган бўлса керак, — деб жавоб беришди бизга «Москва почтампти» ишлаб чиқариш бирлашмасидагилар. У билан почта маркаларидан фойдаланилганлигини белгилаймиз.

Конвертларнинг юз томонидаги думалоқ тамға жўнатилган жойдаги почта қутисидан олинган кунни ва вақтини билдиради. Биринчи турган олтита рақам число, ой ва йилни, охирги иккитаси эса соатни билдиради. Конвертнинг орқа томонидаги тамғадан бориши лозим бўлган жойдаги алоқа корхонасига хат қачон келганлигини билса бўлади.

«Диалог»га бир нарса қоронғу бўлиб қолди: конвертда хатнинг олинган соатини кўрсатишдан нима фойда бор, барибир хатлар ўз маконига ҳафталаб ва ҳатто ундан ҳам кўпроқ вақт ичида етиб борадику?

Ўзларини сотишадими?

Вафот этмасдан олдин паспортига тегишли муҳрини урдириб ва минг сўм пул олиб, ўлса жасадини медицина илмий тадқиқот институтларига васият қилиб қолдирса, бўлар экан деб эшитдим. Бунинг учун қаерга мурожаат қилиш керак?
И.ВИННИЦКИЙ.
Гдов.

Биз бу саволга аниқ жавоб бериш мақсадида биринчи медицина институтига, СССР Соғлиқни сақлаш вазирлиги врачлар малакасини ошириш Марказий институтига, Вишневский номли Бутуниттифоқ илмий текшириш жарроҳлик институтига, Москванинг бош патологоанатомига қўнғироқ қилдик. Ҳамма жойдан бир хил жавоб бўлди: «Тажриба учун «бундай материал» сотиб олинмайди ва у кимларни қизиқтириши номаълум». Склифосовский номли тез ёрдам институтида бизга илмий тадқиқот эҳтиёжлари учун кўмадиган ҳеч қандай қариндошлари, ёру-биродарлари йўқларнинг жасадлари олинади, дейишди.

Бизда қанча мавзолей бор?

Яқинда ғоят ажойиб янгиликни эшитиб қолдим. Айтишларича, мамлакатимизда иккита мавзолей бор эмиш. Наҳотки шу рост бўлса? Иккинчисига ким дафн қилинган?
А. ПЕТРОВ.
Курск вилояти.

Ҳақиқатан шундайлигини кўпчилик билмайди. Бири Москвада, Қизил майдонда, иккинчиси эса Украинанинг Винница шаҳри яқинидаги Пироговo миттти ноҳиясидадир. У ердагисига машҳур жарроҳ, наркозни биринчи бўлиб қўллаган, қаҳрамонона Севастополь мудофааси қатнашчиси Николай Иванович Пирогов дафн қилинган.

Сағана Пирогов музей-қўрғонига кирувчи черковнинг ер ости хоналарига жойлашган. Бу черков 1956 йилгача ишлаб турган. Пироговнинг қандай бальзамлаштирилганлиги усули шу пайтгача маълум эмас. Ҳозирги кунда, деб хабар беришди бизга Винница шаҳар ижроия қўмитасидагилар, музейда махсус лаборатория ташкил қилиш учун комиссия иш олиб бораяпти.

Пешонасига ёзилганми?

Лўлилар, айтишларича одамнинг юзига бир қарашдаёқ тақдирини билишаркан. Ўзи бу ҳол фанда ўрганилиб асосланганми?
А. БЕКЕТОВ.
Волгоград.

Физиогномика — инсон қиёфасига қараб уқиш узоқ ўтмишдан маълум. Айниқса, бу нарсага Японияда кўпроқ қизиқишади. Унинг таъсири тасвирий санъат, театр, ниқоблар ишлаб чиқаришда, жамиятнинг бошқа соҳаларида ўз аксини топган. Шу фан туфайли одамнинг юз тузилишини ўрганиб, унинг хулқ-атвори, шахсиятига оид тўғри хулосалар чиқариш мумкин. Ҳатто, муайян одамни кўрмасдан туриб ҳам унинг суратига қараб хулқ-атворини аниқ айтиш мумкин. Масалан, қошларнинг бир-бирига нисбатан тўғри жойлашиши (тузилиши, ранги, қалинлиги) хулқ-атвор, ақл ва ҳаяжоннинг мўътадиллигини кўрсатади. Физиогномчилар фикрича, қошлар одамнинг атроф-муҳитга бўлган муносабатини акс эттиради.

Қошларнинг чиройли тузилиши эгасининг атроф-муҳитга хушмойиллигидан далолат беради. Қошларнинг баланд жойлашганлиги кишининг тиришқоқ эканлигидан нишонадир. Пастроқ жойлашиши эса бунинг аксидир. Қалин қошлар учининг юқорига кўтарилиб туриши эса, кишининг сахийлиги ва мардлиги белгисидир. Бундай қошлар эгасини одатда омадли дейишади. Агар қошларнинг учи пастга йўналган бўлса, бу ҳол уятчанликни билдиради. Қалин ва тик қошлар кишининг қизиққонлигидан далолат беради. Текис ва узун қошли хотин-қизлар вайсақи бўлишади. Улардан ҳар нарсани кутиш мумкин. Худди шундай қошли эркакларни одатда сипо дейишади. Қисқа қошлилик эса юқоридагиларнинг аксидир.

Одамнинг кўзига қараб унинг ички ҳолатини уқиш мумкин. Физиогномчилар фикрича, чиройли ва оҳанграбо ,кўз эгалари, соғлом, ақлли, эркин, чаққон бўлишади. Чарос кўзлар эса кўнгил зийраклиги ва мардлик нишонасидир.

Қиёфани уқиш фани сизни қизиқтирса, В. Промников ва И. Ладановнинг «Японлар: этнографик очерклар» китобини топиб ўқишингизни маслаҳат берамиз.

Самодан яхшироқ кўринади...

Жуда катта ихтирога сабабчи бўлган олма Ньютоннинг бошига мутлақо кутилмаганда тушган эди. Москва радиотехника, электроника ва автоматика институти олимлари учун ҳам «Мир» орбиталь-самовий станцияси учун ишлаб чиқилган аппарат ана шундай кутилмаган иш бўлди.

Электрон нур тарашлари билан узатгичлар лабораторияси олдидаги вазифа жуда долзарб эди: орбитадан туриб қисқа, ўрта ва узун ҳаво мавжларда эшиттириш олиб боришга ёрдам берадиган антенна ишлаб чиқилиши лозим эди.

— Ахир «Мир» учун қанчадан-қанча турфа антенналар талаб этилади. Уларнинг барчасини ёнма-ён ўрнатадиган бўлсангиз, станцияга яқинлашиш ҳам маҳол бўлиб қолади, — дея изоҳлайди лаборатория раҳбари, профессор Борис Александрович Снедков. — Биз нимани таклиф этдик? Антенналарнинг мураккаб қўшилмаларини электронларнинг кўз илғамас нур тарашини чиқарадиган махсус электрон замбарак билан алмаштиришни таклиф қилдик.

Гарчи «замбарак» номидан анча ҳайбатлидек туюлса-да, аммо кафтга бемалол сиғади. Радио тўлқинларни эса деярли чекланмаган қамровда узатиш имконини беради. Кўзга кўринмас антенна шаклини саноқли дақиқалар ичида ўзгартириш мумкин.

«Манба» — тажриба ускунасининг номи шундай. У орбитада икки йилдан ортиқ вақтдан бери муваффақиятли синалмоқда. Бундан ташқари ускунанинг яна бир «қобилияти» аниқланди: у ер қимирлаши ва бошқа табиий офатлар рўй беришини олдиндан айтиб бера олади.

Етарли асосларга эга бўлган илмий тахминлар ҳам бор — ер қатламидаги ҳаракатлар ионосферада тўпланади, — дейди лойиҳа муаллифларидан бири, МИРЭАнинг катта илмий ходими А. Трубицин. — Бу хабарни «ўқиш» учун орбитадан юборилган электрон нур тарашидан фойдаланиш мумкин. Сизни чалғитмоқчи эмасман: бу имконият бугун ҳақиқатга айланади.

Менга ғаройиб нарсаларни айтиб беришди. Лекин ҳаммасидан таажжубланадигани шу бўлдики, ушбу аппарат мауфий КБларда эмас, балки хусусий компьютер ва кўпни кўрган бурғалаш станоги жойлашган ўттиз метрли хонада яратилмоқда. Уни институтнинг беш нафар ўқитувчиси ва эллик нафарлаб кечки бўлим талабалари ҳамкорликда қуришмоқда. Ишлаб чиқилган у ёки бу қисм талабаларнинг курс ёки диплом лойиҳалари сифатида қабул қилинади.

Талабалар ёрдамида янги ускуналарнинг қисмлари ишлаб чиқилмоқда ва бир неча хил усулда тайёрланмоқда. Кейинроқ уларнинг энг лойиқлари фойдаланиш учун танлаб олинади. Аммо лаборатория талабаларни моддий рағбатлантиролмайди. Ҳатто «курс иши» орбитада ишлатилаётганларни ҳам. Талабаларнинг илм-фан сари ҳаракатлантириш асосан синов дафтарчасига баҳо қўйишлар билангина кифоя топмоқда. Бундай шароитларда эса фанда ҳаммани ҳам этагидан тутиб қолиш мушкул.

Д. КУКУНОВ.

«СУНБУЛА» БАЙРАМИГА МАРҲАМАТ!

Жарчининг бизга таниш янгроқ овози эшитила бошлаб, диққатимизни тортди.

— Одамлар-о, одамлар! Тоғда битган бодомлар! Эшитмадим деманглар! 2 май куни Наманган вилоятининг Чуст ноҳиясидаги Ғовасой қишлоғида ажойиб-ғаройиб байрам бўлади. Барча-барчангизни катта ва шодиёна тантанага таклиф этамиз!



Байрам Ўзбекистон Ленинчи Коммунистик Ёшлар Иттифоқи ёшларнинг маданий дам олишини ташкил этиш бўлими ва «Ёш ленинчи» рўзномаси томонидан уюштирилаётган экан. Бўлим ходими **Феруза ШОМУЗАФФАРОВА** билан суҳбатлашдик.

— «Сунбула» — халқ сайли, — деди у. — Уни ғовасойликлар қадимдан нишонлаб келишган. Лекин кейинги йилларда ҳатто ана шу анъана ҳам таъқибга учради. Натижада кишилар бундан норози бўлишди. Давр ўзгариб, ўтмиш хатолари тузатилмоқда.

Қўнғироқлар бир лаҳза ҳам тинмайди. Кўплаб хонанда-ю, созандалар, қизиқчилар-у, сўз усталари сайилда иштирок этиш ниятида эканликларини билдираяптилар. «Ёш ленинчи» рўзномаси ходимлари ва редакция ҳузуридаги «Шуъла» ижодкор ёшлар уюшмаси аъзолари катта базму-жамшид ўтказишни зиммаларига олишган. «Ижодкор» футбол командаси эса қизиқарли учрашувга тайёргарлик кўраяпти. Шунингдек, сайилда миллий кураш, гул сайли, турли кўрик-конкурслар, баҳслашувлар ҳам бўлиб ўтади.

Тўлқин ҲАЙИТ.

ТАЙЁРЛАГАНЛАР

Рўзноманинг бу сони «Ёш ленинчи» ва «Комсомольская правда» материаллари асосида тайёрланган. Тайёрлаганлар: «Комсомольская правда» рўзномасининг Ўзбекистон ССР бўйича ўз мухбири М. АЛИМОВ, «Ёш ленинчи» рўзномасининг ходимлари Ф. РАҲИМОВ, Т. НАЗАРОВ, К. РАҲИМОВ, С. РУСТАМОВ, Ф. ТУРНИЁЗОВ, Ҳ. АКБАРОВлар.

Рўзноманинг бу сонига таҳрир ҳайъати аъзоси Т. НАЗАРОВ, котиб А. СУЛТОНОВ, мухбир Л. СОАТОВА, мусаҳҳиҳлар М. АБДУЛЛАЕВ, У. ЖАМОЛОВА, М. ЗОКИРОВА, А. МИРМУҲАМЕДОВАлар навбатчилик қилишди.

БИЗГА МАХСУС ХИЗМАТ КЕРАК

ДХҚнинг ҳужжатларида махфий ном билан «Орда» деб аталган безорилар тўдасининг тугатилишига сабаб уларнинг чопишга бўлган қизиқиши бўлди.

Рақиблари билан музокара олиб боришга «Чопиш» меҳмонхонасига келган йўлтўсарлар ўзларига яраша қуролланганди́лар: қўлларида турли темир буюмлар, лом, болта, пичоқ ва ҳатто кўздан ёш оқизувчи газли баллончалар бор эди.

Битимни милиция ва ДХҚ ходимлари барбод қилишди — улар музокара қатнашчиларини қўлга олишди.

Қувончли хабар-а? Милиция полковниги, СССР ИИВ олтинчи бошқармасининг бошлиғи А. Гуровнинг вазирликнинг матбуот марказида ўтказган брифингдан мақсади худди ана шундай, яъни жамоатчиликни ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг уюшган жиноятчиликка қарши курашдаги муваффақиятлари билан хурсанд қилиш эди.

Расмий маълумотларга кўра 93 қотиллик, 377 безорилик, 355 талончилик қилган ва 4691 марта давлат мулкини ўмарган 1310 жиноий гуруҳ фош этилган. Улардан 300 та ўқотар қурол, 122 турли техник воситалар тортиб олинган.

Бироқ рэкетчилар ва жангарилар — уюшган жиноятчиликнинг пойдевори, холос. Уларнинг ортида ва тепасида турганлар учун бирор нарсани қўрқитиш йўли билан ундириб олиш якка-ю-ягона усул эмас. Мана бир мисол. ИИВнинг олтинчи бошқармаси гуржистонлик ҳамкасблари билан ўтказган операция натижасида жумҳурият ҳудудида ҳаракат қилган ва «даромади» 30 миллион сўм бўлган жиноий гуруҳ фаолиятига чек қўйилган. Ушбу гуруҳ аъзолари кенг кўламли халқаро алоқага эга бўлишган, амалдорларга 400 минг сўмгача пора таклиф қилишган.

Бундай шароитда ИИВ ва ДХҚнинг ҳамкорликдаги куч-ғайратлари ҳам камлик қилади. Балки бизда ҳам Федерал қидирув бюроси сингари махсус хизматни ташкил этиш вақти келгандир?

Ҳозирча эса жиноятчиликка қарши курашга тўсиқ бўлаётган нарсалар жуда кўп. Жумладан, уюшган жиноятчиликка қарши кураш учун қонуний заминнинг йўқлиги, жиноий-процессуал кодекснинг аллақачоноқ эскириб қолганлиги.

Жиноятчилик фожиа эканлигини эса қуйидаги факт ҳам тасдиқлайди: бизда шу пайтгача кенг кўламдаги норкомафия йўқ. Нима учун? Сабаби, олғирлар учун бундай хатарли иш билан шуғулланиш учун ҳожат йўқ. Айни пайтда раҳбар ходимларнинг давлат мулкини ўмариш учун 200 хилдан кўпроқ усулни ўйлаб топганлари маълум. Уларсиз ахир ҳеч бир «ширкат» сотиш учун хом ашёга эга бўлолмасди...

— Биз бу курашни бой беряпмиз, — деди А. Гуров брифинг охирида.

Е. ЖИРНОВ,
А. ДЯТЛОВ.

Муҳаррир
Жаббор РАЗЗОҚОВ.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси.
Индекс: 64607.
Д. — 23191.
Р — 03194.